

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 17-18-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (257-258)  
**ТЎПЛАМИ** 2007 й.  
апрель-май

---

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

170. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 23 апрелдаги ўРҚ–92-сон Қонуни
171. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 апрелдаги ўРҚ–93-сон Қонуни
172. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 27 апрелдаги ўРҚ–94-сон Қонуни
173. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 27 апрелдаги ўРҚ–95-сон Қонуни
174. «Ҳомийлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майдаги ўРҚ–96-сон Қонуни

175. «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майдаги ЎРҚ-97-сон Қонуни

#### *Иккинчи бўлим*

176. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сонли Фармониغا қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 майдаги ПФ-3874-сон Фармони

177. «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 25 апрелдаги ПҚ-628-сон қарори

178. «2007 йилда кутилаётган сув танқислигини юмшатиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-629-сон қарори [Кўчирма]

179. «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори

180. «Ўн икки йиллик таълимга тўлиқ ўтиш ҳамда Тошкент шаҳридаги янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар объектларини 2007-2008 ўқув йилига ўз вақтида тайёрлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 майдаги ПҚ-633-сон қарори

181. «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007/2008 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 майдаги ПҚ-634-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

182. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 апрелдаги 85-сон қарори

183. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 апрелдаги 86-сон қарори

184. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 апрелдаги 87-сон қарори

185. «Автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 майдаги 91-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

186. «Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 23 апрелда 305-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
187. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси ҳисобидан аванс бериш ва пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 14 апрелдаги 40, 11/5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 апрелда 1062-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
188. «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 16 мартдаги 3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 апрелда 1024-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
189. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ҳамда тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 4 апрелдаги 35, 2007-30-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 майда 1676-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
190. «Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 23, 50, 01/УзРТСБ-18/11-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 майда 1677-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 21 апрелдан 4 майгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**170 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида\***Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 21 декабрда қабул қилинганСенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги 215<sup>2</sup>- модда билан тўлдирилсин:**«215<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик**

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «210» рақамидан кейин «215<sup>2</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 24 апрелда эълон қилинган.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киреди.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 апрель,  
ЎРҚ-92-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**171** **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**1) 186-модданинг:**

**номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«186-модда. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташшиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш»;**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи** қисмлар билан алмаштирилсин:

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 26 апрелда эълон қилинган.

«Истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар баданга ўртгача оғир ёхуд оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **186<sup>1</sup>-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш, —

етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) қуйидаги мазмундаги **186<sup>2</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«186<sup>2</sup>-модда. Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш**

Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;  
г) мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.  
Ўша ҳаракатлар:  
а) жуда кўп миқдорда;  
б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —  
етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда) **345-моддасининг иккинчи қисми** «186<sup>1</sup>» рақамидан кейин «186<sup>2</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

+

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киряди.

—

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 25 апрель,  
ЎРҚ–93-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**172 «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 27 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 660–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда) **9, 13, 14, 15** ва **16-моддаларининг** амал қилиши 2013 йил 1 январгача тўхтатиб турилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 27 апрель,  
ЎРҚ–94-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 28 апрелда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**173 «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 27 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги 158–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 12, 413, 418-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модданинг олтинчи хатбошиси** «хисоботни» деган сўздан кейин «белгиланган тартибда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **26-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди, уни жорий йилнинг ўн бешинчи сентябригача Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборди ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга жорий йилнинг биринчи октябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади»;

3) **27-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ёки унинг топшириғига кўра» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **28-модда биринчи қисмининг:**

**биринчи хатбошисидаги** «ўн бешинчи сентябригача» деган сўзлар «биринчи октябригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-банди** «хисобот» деган сўздан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**4-банди** «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**7-банди** «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **39-модданинг:**

**тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги хисоботни хисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи апрелигача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги хисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига у ташқи аудит ва баҳолаш ўтказиши учун хисобот йилидан кейинги йилнинг бешинчи апрелигача юборди.

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 28 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботга доир хулосасини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг ўнинчи майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг ўн бешинчи майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади»;

**ўн биринчи** ва **ўн иккинчи қисмлари** тегишинча **ўн учинчи** ва **ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 27 апрель,  
ЎРҚ-95-сон

—

+

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### **174** **Ҳомийлик тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда. Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Респуб-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 3 майда эълон қилинган.

ликасининг ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**кўнгиллилар** — ҳомийлик олувчининг ёхуд ҳомийлик ташкилотининг манфаатларини кўзлаб бепул ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклидаги ҳомийликни амалга оширувчи жисмоний шахслар;

**ҳомийлар** — ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти)** — юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарт билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий беғараз ёрдами (фаолияти);

**ҳомийлик олувчилар** — ҳомийлик олувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**ҳомийлик субъектлари** — ҳомийлар, кўнгиллилар, ҳомийлик ташкилотлари, шунингдек ҳомийлик олувчилар;

**ҳомийлик ташкилоти** — жамиятнинг, айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти;

**ҳомийлик хайриялари** — ҳомийлик мақсадларига йўналтириладиган мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари.

### 4-модда. Ҳомийлик мақсадлари

Ҳомийлик қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;

касаликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;

аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;

террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмайди.

Сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида ҳомийлик қилиш тақиқланади.

Қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни ҳомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

#### **5-модда. Ҳомийликни амалга оширишга бўлган ҳуқуқ**

Юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни ихтиёрий равишда ҳамда монелик-сиз амалга оширишга ҳақли.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни якка тартибда ёки бирлашиб, ҳомийлик ташкилотини ташкил этган ёхуд ташкил этмаган ҳолда амалга оширишга ҳақли.

Ҳомийлар ўз ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш мақсадлари ва тартибини белгилашга ҳақли.

### **2-боб. Ҳомийлик ташкилотлари**

#### **6-модда. Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли**

Ҳомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилотининг номи «ҳомийлик» деган сўзни ўз ичига олган бўлиши керак. Ҳомийлик ташкилотининг номи бошқа ҳомийлик ташкилотларини айнан бир хил деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида «ҳомийлик» сўзидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Ҳомийлик ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланувчи уюшмаларга (иттифоқларга) ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

#### **7-модда. Ҳомийлик ташкилотининг муассислари**

Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб юридик ва (ёки) жисмоний шахслар уларнинг муассислари бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳомийлик ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

#### **8-модда. Ҳомийлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш**

Ҳомийлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органининг ҳомийлик ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори, шунингдек мазкур органнинг давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **9-модда. Ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки**

Бинолар, ер участкалари, транспорт, иншоотлар, асбоб-ускуналар, пул маблағла-

ри, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек ахборот ресурслари ва ўзга интеллектуал фаолият натижалари ҳомийлик ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилоти ўзида бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларига, ташкилотнинг уставига ва ҳомийлик мақсадларига зид бўлмаган ҳар қандай битим тузишга ҳақли.

Ҳомийлик ташкилоти ўз таъминоти (шу жумладан фаолияти билан боғлиқ барча харажатлари) учун молия йилида ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг кўпи билан 20 фоиздан фойдаланишга ҳақли. Ушбу чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳомийлик ташкилоти кўнгиллиларнинг ушбу ташкилотдаги фаолияти билан боғлиқ харажатларини (хизмат сафари, транспорт харажатларини ва бошқа харажатларини) тўлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ҳомийлик ташкилотининг ҳисобварағига тушган маблағлардан фақат бу маблағларни ажратиш чоғида назарда тутилган ҳомийлик мақсадлари учун фойдаланилади.

Ҳомийлик ташкилотларига берилган ҳомийлик хайрияларидан фақат ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади ва бу хайриялардан ҳомийлик ташкилотларини сақлаш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулки бу ташкилотнинг муассисларига ёки аъзоларига бошқа шахсларга сотилиши ёхуд берилишига қараганда қулайроқ шартларда сотилиши ёки берилиши мумкин эмас.

Ҳомийлик ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

#### **10-модда. Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкни шакллантириш манбалари**

Ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

ҳомийлик ташкилоти муассисларининг бадаллари, аъзоликка асосланган ҳомийлик ташкилотлари учун эса аъзолик бадаллари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг пул ва (ёки) бошқа мол-мулк шаклидаги ҳомийлик хайриялари;

акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, шу жумладан ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумлар;

ҳомийлар ва кўнгиллиларни жалб этиш, шу жумладан ҳомийлик хайриялари йиғиш мақсадида ўтказиладиган кўнгилочар, маданий, спорт тадбирлари ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш кампанияларини ўтказишдан тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лотереялар ва кимошди савдолари ўтказишдан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

**11-модда. Ҳомийлик дастури**

Ҳомийлик дастури ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва мазкур ташкилотнинг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Ҳомийлик дастури мўлжалланаётган тушумлар ҳамда режалаштирилаётган харажатлар сметасини (шу жумладан ҳомийлик дастурини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни) ўз ичига олади, дастурни амалга ошириш босқичлари ва муддатларини белгилайди.

Ҳомийлик дастурларини (шу жумладан ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини ва ҳомийлик дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларни) молиялаштириш учун молия йилида тушган даромадларнинг, қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларнинг, шу жумладан ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумларнинг камида 80 фоизидан фойдаланилиши керак.

Ҳомийлик дастурлари амалга оширилаётганда тушган маблағлардан шу дастурларда белгиланган муддатларда фойдаланилади.

**12-модда. Ҳомийлик ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш**

Ҳомийлик ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳомийлик ташкилоти тугатилганда унинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкдан ташкилот уставда назарда тутилган тартибда ёки, агар ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкдан фойдаланиш тартиби унинг уставда назарда тутилмаган бўлса ёхуд қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тугатиш комиссиясининг қарорига биноан ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади.

**3-боб. Ҳомийликнинг амалга оширилишида давлатнинг иштирок этиши. Халқаро ҳомийлик фаолияти****13-модда. Ҳомийлик субъектларига давлат томонидан кафолатлар берилиши**

Ҳомийлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланади.

Ҳомийлик субъектининг ўз ҳомийлик мақсадларини ва амалга ошириш шакллари танлаш эркинлигини чеклашга йўл қўйилмайди.

**14-модда. Ҳомийликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат ҳомийликни қуйидаги шаклларда қўллаб-қувватлаши мумкин:  
ҳомийлик ташкилотлари ишлаб чиқадиган ҳомийлик дастурларини танлов асосида давлат томонидан молиялаштириш;

давлат мол-мулкни ҳомийлик ташкилотларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул ёки имтиёзли асосда мулк қилиб бериш;

давлат мулки бўлган бинолар, жойлар ва бошқа мол-мулк ижараси ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш;

ҳомийлик ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда ҳомийлик ташкилотларини рағбатлантириш.  
Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳомийликни бошқа шаклларда ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

**15-модда. Ҳомийлик субъектларига бериладиган имтиёзлар**

Ҳомийлик субъектларига қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилади.

**16-модда. Ҳомийлик ташкилоти фаолияти устидан назорат**

Адлия органлари ҳомийлик ташкилотининг устави қоидаларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширади.

Ҳомийлик ташкилотининг молиялаштириш манбалари ва даромадлари ҳамда солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши устидан давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат назоратини амалга оширади.

Ҳомийлик ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда адлия ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Ҳомийлик ташкилотига мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари берувчи ҳомийлар мазкур ташкилотдан шу мол-мулкдан мақсадли фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисобот талаб қилишга ҳақли.

Ҳомийлик ташкилоти ўз йиллик ҳисоботларидан эркин фойдаланилишини таъминлайди.

Ҳомийлик ташкилоти даромадлари ва харажатларининг миқдорлари ҳамда тuzилиши, мол-мулки, ходимларининг сони, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва кўнгиллиларни жалб этиш тўғрисидаги маълумотлар тижорат сири бўлмайди.

Адлия органлари ҳомийлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш учун ўз вакилларини юборишга, мазкур ташкилот аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан ҳомийлик ташкилотининг уставига риоя этилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан тушунтиришлар олишга ҳақли.

**17-модда. Халқаро ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш**

Ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда ҳомийлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда халқаро шартномаларида белгиланган тартибда халқаро ҳомийлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Халқаро ҳомийлик фаолияти халқаро ҳомийлик лойиҳаларида, халқаро ҳомийлик ташкилотларининг ишида иштирок этиш, ҳомийлик фаолияти соҳасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш орқали, шунингдек халқаро амалиётда қабул қилинган ҳамда халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

Ҳомийлик ташкилоти чет эл фуқароларидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик хайриялари олиш ҳуқуқига эга.

**18-модда. Чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, халқаро ва чет эл ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳомийлик фаолияти**

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ва чет эл ташки-

лотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳомийлар ва кўнгиллилар сифатидаги фаолиятни ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширишлари мумкин.

Чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек халқаро ва чет эл ташкилотларининг ҳомийлик хайрияларидан мақсадли фойдаланилиши мониторингини олиб бориш ҳамда бундай хайриялардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

#### 4-боб. Яқунловчи қоидалар

##### 19-модда. Манфаатлар тўқнашуви

Ушбу Қонунда манфаатлар тўқнашуви деганда ҳомийлик ташкилоти ва манфаатдор шахслар (мазкур ташкилот бошқарув органларининг ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслари, аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки кредиторлари, шунингдек ўзларининг ҳомийлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлари оқибатида ташкилотнинг мол-мулкини тасарруф қилишга таъсир этиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаат кўриш мақсадида ташкилот билан шахсан ёки ўз вакиллари орқали ҳамкорлик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида амалга ошириладиган, ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкини тасарруф этишга дахлдор бўлган, ҳомийлик фаолиятининг манфаатлари ҳамда мақсадларига мос келмаган ёки мос келмаслиги мумкин бўлган битимлар ва (ёки) операциялар эътироф этилади.

Ҳомийлик ташкилотининг манфаатдор шахслар билан битимлар тузишига, шунингдек ҳомийлик ташкилоти томонидан манфаатдор шахслар фойдасига бошқа ҳаракатлар амалга оширилишига ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи розилиги билан йўл қўйилади.

Манфаатлар тўқнашуви чоғида вужудга келадиган низолар ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан ҳал қилинади.

##### 20-модда. Низоларни ҳал этиш

Ҳомийликни амалга ошириш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

##### 21-модда. Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳомийлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

##### 22-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**23-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 2 май,  
ЎРҚ-96-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****175 Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси  
тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 27 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Йод етишмаслиги касалликлари** — организмда йоднинг етишмаслиги оқибатида қалқонсимон без касалликлари кўринишида намоён бўладиган касалликлар;

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 4 майда эълон қилинган.

**Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси** — йод етишмаслиги касалликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими;

**Йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари** — ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари;

**Йодланган туз** — ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган ош тузи.

## **2-боб. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши**

### **4-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсати**

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсати йод етишмаслиги касалликлари келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган бўлиб, қуйидагилар орқали рўёбга чиқарилади:

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

истеъмол бозорини йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назоратини амалга ошириш;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

болаларни ва туғиш ёшидаги аёлларни таркибида йод бўлган препаратлар билан профилактик таъминлаш тадбирларини амалга ошириш;

йодланган туз, йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ҳамда уларни даволаш учун фойдаланиладиган дори воситалари ва препаратларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ишлаб чиқариш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир тадбирлар самарадорлигининг мониторинги;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида ҳисобга олишнинг ахборот-таҳлил ва статистик тизимларини такомиллаштириш;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эл юрidik ва жисмоний шахсларининг маблағларини йод етишмаслиги касалликлари муаммоларига, мазкур касалликларнинг профилактикаси ҳамда даволаш усулларига жалб этиш;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **5-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқаруви**

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади.

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқаруви: профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари ўтказишни, йод етишмаслиги касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволашни ташкил этишни;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ва уларни даволаш учун дори воситалари ҳамда препаратларни, йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришни;

туз ва озик-овқат маҳсулотларини йодлашни давлат томонидан нормалаштиришни;

давлат бошқаруви органларининг, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришни;

йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг муомаласи устидан давлат назоратини ўз ичига олади.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси масалаларига доир фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларини рўёбга чиқаради;

туз ва озик-овқат маҳсулотларини йодлаш бўйича санитария-эпидемиология талабларини белгилайди;

йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотларининг сифати, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, олиб кирилиши ҳамда реализация қилиниши мониторингини олиб боради;

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этади;

аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси бўйича тушунтириш ишларини олиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**8-модда. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга тааллуқли давлат стандартларини тасдиқлайди;

йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

тегишли давлат органларининг аҳолини йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

йодланган туз ва йодланган озик-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан ўз ваколатлари доирасида давлат назоратини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**3-боб. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир чора-тадбирлар**

**10-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси турлари**

Инсон организмнинг йодга бўлган зарурий эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслиги касалликларининг оммавий ва якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилади.

**11-модда. Йод етишмаслиги касалликларининг оммавий профилактикаси**

Йод етишмаслиги касалликларининг оммавий профилактикаси озик-овқатга йодланган туз ишлатиш ва йодланган озик-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш орқали амалга оширилади.

Йодланган туз истеъмол қилиш тиббий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан тўғри келмайдиган шахслар учун йодланмаган туз олиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминланади.

**12-модда. Йод етишмаслиги касалликларининг якка тартибдаги профилактикаси**

Йод етишмаслиги касалликларининг якка тартибдаги профилактикаси профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари, тиббий кўриклар ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги йод етишмаслиги касалликларининг якка тартибдаги профилактикасини таъминлаш мақсадида профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари, тиббий кўриклар ўтказиш, йод етишмаслиги касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволаш тартибини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

**13-модда. Аҳолини йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси масалаларига доир ахборот билан таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолига йод етишмаслиги касалликларининг келиб чиқиши ва

тарқалиши омиллари, бундай касалликларнинг профилактикасига доир чоралар тўғрисида ишончли ва ўз вақтида ахборот берилишини таъминлайди.

**14-модда. Йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир тадбирларни молиялаштириш**

Йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир тадбирларни молиялаштириш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**4-боб. Йодланган тузга ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар**

**15-модда. Туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш**

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган ош тузи албатта йодланиши керак, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

**16-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлигига доир талаблар**

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари давлат стандартлари, қоидалари ҳамда нормалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган, таркибида йод бўлган препаратлардан фойдаланилади. Туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**17-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш давлат стандартлари, қоидалари ҳамда нормалари талабларига мувофиқ юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Белгиланган яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари утилизация қилиниши, саноат йўли билан қайта ишланиши ёки қайта йодланиши керак.

**18-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш**

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**19-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини кадоқлаш, ўраш ва тамғалаш**

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари кадоқланган, ўралган ҳамда тамғаланган ҳолда ишлаб чиқарилиши керак.

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини кадоқлаш, ўраш ҳамда тамғалашга нисбатан қонун ҳужжатларида озиқ-овқат маҳсулотларини кадоқлаш, ўраш ва тамғалаш борасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

**20-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш**

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ва нормаларга риоя этган ҳолда амалга оширишлари шарт.

Мувофиқлик сертификати бўлмаган ва яроқлилиқ муддати ўтган йодланган туз ҳамда йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш тақиқланади.

**21-модда. Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш шартлари**

Йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фақат ўралган тарзда ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этилган ҳолда олиб кирилиши мумкин.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**22-модда. Низоларни ҳал этиш**

Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**23-модда. Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 3 май,  
ЎРҚ-97-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

**176 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сонли Фармониغا қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сонли Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сонли Фармони 8-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги янги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдориди, болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйлари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини рағбатлантириш учун — меҳнат ҳақи фондининг 25 фоизи миқдориди ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишга рухсат берилсин».

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 2 май,  
ПФ-3874-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**177 «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Олмалик кон-металлургия комбинати бошқарувининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва бунинг асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ҳамда бир қатор қимматбаҳо металллар ва полиметалл руда конларини комбинат балансига ўтказиш ҳисобига унинг минерал-хомашё базасини кенгайтиришни назарда тутган ҳолда рангли ва қимматбаҳо металллар қазиб чиқариш ҳамда қайта ишлашни барқарор ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг ташкилий тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга\* мувофиқ;

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 175 кишидан иборат тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг бўлинмаларига раҳбарлик қилиш схемаси 3-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ бошқаруви раисига Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда ходимларнинг белгиланган штат сони доирасида комбинат бошқаруви тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилансинки, «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ бошқаруви раиси — бош директори лавозимга Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади, бош директорнинг ўринбосарлари эса лавозимга бош директор томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тайинланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олмалик кон-металлургия комбинатини акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида»ги 1997 йил 10 февралдаги 71-сонли қарори 6-бандининг биринчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.С. Санақулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 25 апрель,  
ПҚ-628-сон

\* 1а, 2, 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 25 апрелдаги  
ПҚ-628-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖнинг  
ташкилий тузилмаси**

1. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ ижро этувчи аппарати
2. Қалмоққир руда бошқармаси
3. Ангрен руда бошқармаси
4. Чодак руда бошқармаси
5. Қаулди руда кони
6. Учқулоч руда кони
7. Мис бойитиш фабрикаси
8. Қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси
9. Мис эритиш заводи
10. Рух заводи
11. Марказий таъмирлаш-механика заводи
12. Ихтисослашган эмульсиявий портловчи моддалар ишлаб чиқариш корхонаси
13. Оҳактош қазиб чиқариш ва қайта ишлаш цехи
14. Техникавий назорат хизмати
15. Янги технологияларни татбиқ этиш марказий лабораторияси
16. Марказий эксперт-таҳлил лабораторияси
17. Автоматика ва геофизика марказий лабораторияси
18. Марказий метрология лабораторияси
19. Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси
20. Автомобиль транспорти бошқармаси
21. Саноат темирйўл транспорти бошқармаси
22. Моддий-техника таъминоти бошқармаси
23. Электр тармоқлари бошқармаси
24. Нефт маҳсулотлари таъминоти бошқармаси
25. Иссиқлик электр маркази (ТЭЦ)
26. Саноат сув таъминоти цехи
27. Капитал қурилиш бошқармаси
28. Лойиҳа ишлари бошқармаси
29. «Олмалиқметаллургқурилиш» трести
30. Идоравий харбийлаштирилган соқчилик ва қўриқлаш хизмати
31. Фуқаро муҳофазаси отряди
32. Ўқув маркази
33. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бошқармаси
34. Ижтимоий-маданий аҳамиятга эга объектларни сақлаш бошқармаси
35. Уй-жой таъмирлаш-эксплуатация бошқармаси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**178 2007 йилда кутилаётган сув танқислигини юмшатиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида****[Кўчирма]**

2007 йилда чекланган сув ресурсларидан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва кутилаётган сув танқислигини юмшатиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2007 йилда республиканинг барча сув омборлари ирригацион иш режимида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзбекэнерго» ДАК билан биргаликда сув омборларининг белгиланган режимда ишлашини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда сув омборлари ирригация режимига ўтказилишининг 2007 йилда электр энергия ишлаб чиқариш прогноз ҳажмларига таъсирини ўрганиб чиқсин ва зарур ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 декабрдаги Ф–2646-сонли фармойиши билан тасдиқланган электрэнергия ресурслари ва уни тақсимлаш баланси параметрларини ўзгартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

2. 2007 йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Самарқанд вилоятларида, шунингдек Фарғона водийси вилоятларида шоли экиш тақиклансин.

Шолини бошқа ҳудудларда жойлаштириш, шунингдек такрорий экинлар экиш уларнинг сув ресурслари билан таъминланишига қараб, кутилаётган сув танқислигини юмшатиш бўйича Ҳукумат комиссияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари таклифлари бўйича амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

2007 йилда кутилаётган сув танқислигини юмшатиш бўйича асосий ирригация-мелиорация чора-тадбирлари 1-иловага\* мувофиқ;

2007 йилда кутилаётган сув танқислигини юмшатиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин: кутилаётган сув танқислигини юмшатиш бўйича тасдиқланган ирригация-мелиорация чора-тадбирларини бажариш юзасидан вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ирригация тизимлари сув ҳавза бошқармалари ва ҳудудларнинг сув олиш лимитларини, шунингдек 2007 йил ёзги вегетация даврида сув омборлари иш режимини тасдиқлаш, буларга риоя этиш, суғориш учун мўлжалланган сувларни тўғри ҳисобга олиш ва ундан оқилона фойдаланиш устидан назоратни ташкил этиш;

сув танқислиги билан боғлиқ равишда юзага келадиган муаммоларни барта-раф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш.

4. Ҳукумат комиссияси (Ш. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-

\* 1, 2-илвалар берилмайди.

лар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2007 йилда кутилаётган сув танқислигини юмшатиш чора-тадбирларининг бажарилишини таъминлайдиган ишларнинг ҳар бир объектлар бўйича рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. «Ўзбекэнерго» ДАК зиммасига насос станцияларининг, суғориш қудуқларининг ташқи электр таъминоти объектларини, мазкур объектлар компаниянинг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутган ҳолда, лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича буюртмачи вазифаси юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан «Ўзбекэнерго» ДАКга сув танқислиги объектлари қурилишини лойиҳалаштириш билан бир вақтда алоҳида иш чизмалари ва сметалар бўйича молиялаштиришга рухсат берилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 27 апрель,  
ПҚ-629-сон

+

-

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **179** **Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида**

«Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2007 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)нинг соддалаштирилган тартиби жорий этилсин.

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

рўйхатдан ўтказган орган тадбиркорлик субъектини — юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилади, шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, шунингдек барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади;

муассислар (қатнашчилар)нинг ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъек-

ти — юридик шахснинг мажбуриятларини бажаришга йўналтирилаётган маблағларидан солиқ олинмайди.

Ихтиёрий тугатиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти — юридик шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш ва фаолиятини тиклаш тартиботи қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган тақдирда ушбу қарорда белгиланган солиқ имтиёзлари қўлланмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсин ва тушунтирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 27 апрель,  
ПҚ-630-сон

+

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги  
ПҚ-630-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг  
фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**И. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) ихтиёрий тугатиш ва тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг қоидалари:

банклар ва бошқа кредит ташкилотларини;

суғурталовчиларни;

шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва уларга тенглаштирилган корхоналарни;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналарни тугатишда қўлланмайди.

2. Айрим корхоналар учун қонун ҳужжатларида уларни тугатишнинг ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқача хусусиятлари белгиланиши мумкин.

3. Корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассислари (қат-

нашчилари) томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади. Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тугатувчи — тугатиш комиссияси (унинг аъзолари таркиби) ёки жисмоний шахс (паспорти маълумотлари);

мўлжалланаётган тугатиш муддати.

4. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб корхона ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

5. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг қарорига (аризасига) кўра амалга оширилади.

6. Рўйхатдан ўтказган органнинг тегишли давлат реестрига бу тўғрида ёзувлар қайд этилгандан кейин корхона тугатилган, тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

7. Корхона муассислари (қатнашчилари), тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс тугатишнинг исталган босқичида фаолиятини тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

## II. Тугатувчининг ваколатлари ва уларни тўхтатиш

8. Тугатувчи тайинлангандан кейин уч кун мобайнида корхонанинг бошқарув органлари унга корхона фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек корхонанинг муҳри, штамплари ва бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича топшириши шарт.

9. Тугатувчи:

а) ихтиёрий тугатишни амалга оширади ва корхонанинг кредиторлари, муассислари (қатнашчилари) ҳамда бошқа тегишли шахслар манфаатларига риоя этилишини таъминлайди;

б) ишончномасиз корхона номидан вакиллик қилади, корхонанинг молиявий, тўлов-ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

в) корхонанинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаради;

г) ушбу Низомда ўз ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилади, шунингдек муассислар (қатнашчилар) қарорига кўра берилган тақдирда — бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

10. Тугатиш комиссияси тайинланган тақдирда корхонани бошқаришга оид барча масалалар овоз бериш йўли билан ҳал этилади ва комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда тугатиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

11. Тугатиш комиссияси мажлисларини ўтказишни унинг раиси ташкил қилади, раис ушбу Низомда белгиланган функцияларнинг тугатиш комиссияси қарорларига мувофиқ бажарилишини таъминлайди.

12. Тугатувчининг ваколатлари:

а) ихтиёрий тугатиш ниҳоясига етганда — корхонани тугатиш тўғрисидаги ёзувлар рўйхатдан ўтказган орган томонидан тегишли давлат реестрига киритилган кунда;

б) корхона фаолияти тикланганда — тугатиш ишлари тўхтатилганлиги ва корхона фаолияти тикланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган кунда;

в) корхона банкрот деб эътироф этилганда — корхона банкрот деб эътироф этилганлиги ва тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисида суд қарори қабул қилинган кунда;

г) янги тугатувчи тайинланганда — муассислар (қатнашчилар) томонидан тегишли қарор қабул қилинган кунда тўхтатилади. Ушбу ҳолатда корхонанинг барча ҳужжатлари, муҳрлари, штамплари ва бошқа мол-мулки янгидан тайинланган тугатувчига икки кун муддат ичида рўйхат бўйича топширилади.

### **III. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби**

13. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

14. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмай:

а) рўйхатдан ўтказган органга — ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

б) корхонанинг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда асосий ҳисоб рақами деб аталади) хизмат кўрсатувчи банкка ва корхонанинг хорижий валютадаги маблағлари жамланadиган ваколатли банкка:

ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

имзолар намуналари ва тугатувчи муҳрининг босма изи қўйилган, нотариал тасдиқланган карточкаларнинг икки нусхасини;

в) корхонанинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисоб рақамларига, жамғарма депозит ҳисоб рақамларига ва муддатли депозит ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

г) корхонанинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ва муддатли депозит ҳисоб рақамлари очилган банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисоб рақамларига, унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақами очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ёки, агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

15. Рўйхатдан ўтказган орган ва банклар ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг олинганини ёзма равишда тасдиқлаши шарт. Рўйхатдан ўтказган орган ва банкнинг ҳужжатларни қабул қилиб олган сана тўғрисидаги белги, уларнинг тугатувчига ёзма ёки электрон хабари, ҳужжатлар рўйхатдан ўтказган орган ва банкка юборилгани ҳақидаги почта квитанцияси ва шу кабилар мазкур ҳужжатлар олинганлигининг тасдиғи ҳисобланади.

16. Қуйидагилар:

а) рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санадан бошлаб:

корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатиб қўйилади;

ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, шунингдек барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади. Мол-мулкни, тайёр маҳсулот қолдиқларини ва бошқа активларни сотишда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалдаги сотиш нархларидан келиб чиққан ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади ва тўланади, ушбу хатбошида кўрсатилганлар бундан мустасно;

кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича илгари қўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади;

корхонанинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади;

мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган ёхуд мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланиш учун беришга сабаб бўладиган битишувларни фақат ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга опширишга йўл қўйилади;

барча мажбуриятларни, шунингдек муддати кечиктирилган мажбурий тўловларни бажариш муддати бошланган ҳисобланади;

б) миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган асосий ҳисоб рақамига ва иккиламчи депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб:

корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга фақат тугатувчининг топшириғига биноан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади;

2-картотеканинг амал қилиши тўхтатиб қўйилади.

Шунингдек корхонага хизмат кўрсатувчи барча иккиламчи депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ҳисоб рақамлари ҳамда муддатли депозит ҳисоб рақамлари:

миллий валютадагилари — улардаги мавжуд маблағларни корхонанинг асосий ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда;

хорижий валютадагилари — маблағларнинг мавжуд қолдиқларини корхонанинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамлари очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларига ёки, агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда ёпилади.

17. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда корхона ходимлари билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш чора-тадбирларини кўради;

б) корхонанинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказди;

в) йил бошидан бошлаб рўйхатдан ўтказган орган корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган санагача бўлган даврда корхона томонидан тўланадиган барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тузади;

г) корхонанинг дебиторлик қарзларини олиш, шунингдек тасдиқнома олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта квитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) кредиторларни аниқлаш ва корхонанинг тугатилиши тўғрисида уларни ёзма равишда хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради;

д) бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар берилишини ташкил қилади, эълонларда қуйидагилар кўрсатилади:

корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек корхонанинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари кўрсатилади);

корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчи идентификация тартиб рақами;

рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили);

ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами);

кредиторларнинг талаблари кўрсатилган ҳолдаги аризаларни қабул қилиш муддати; ушбу муддат кўрсатиб ўтилган эълон чиққан вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

18. Рўйхатдан ўтказган орган корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги қарор нусхаси олингандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай юридик шахсларнинг давлат реестрига корхонанинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу тўғрида корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар, давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади.

19. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар органи рўйхатдан ўтказган органдан корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги ахборотни олган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай рўйхатдан ўтказган органга номи ёзилган амалдаги муҳрлар ва штампларни тайёрлаш учун корхонага берилган барча рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

20. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказган органнинг билдиришномаси белгиланган тартибда олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади, унинг муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

Текширишда корхонанинг охириги текшириш ўтказилган санадан бошлаб (агар корхона текшириш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб амалга оширилмаган бўлса — давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб) корхона тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санагача бўлган давр мобайнидаги молия-хўжалик фаолияти қамраб олинади, бироқ бунда даъво қўзғатишнинг қуйидаги муддатларига риоя қилиниши шарт:

молия ҳисоботи тақдим этган солиқ тўловчилар бўйича — уч йил;

солиқ суммасининг 20 фоиздан ортиқ миқдорда пасайтириб кўрсатилгани (яширилгани) аниқланган тақдирда — беш йил.

Текшириш ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган муддатда тугалланмаган тақдирда корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи тугатувчи тақдим этган ҳисоб-китобларга биноан аниқланади.

Текшириш якунларига кўра солиқ қонунчилиги бузилишлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органи қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

21. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач ва давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда тугатувчи оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тугади.

Оралиқ тугатиш баланси корхона муассислари (қатнашчилари) томонидан тасдиқланади.

22. Тугатувчи оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин беш иш куни мобайнида, тасдиқномани олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта қвитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) ҳар қайси кредиторни унинг талаблари эътироф этилгани ёки рад қилингани, эътироф этилган талаблар суммаси ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

23. Оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб туга-

тувчи томонидан кредиторларга қуйидаги навбат бўйича пул суммаларини тўлаш амалга оширилади:

биринчи навбатда — фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришга ва муаллифлик шартномалари бўйича пул тўловларига доир талабларини, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар учун корхона тегишли вақтбай тўловларни соқит қилиш йўли билан жавоб берадиган талабларини қондириш;

иккинчи навбатда — бюджетга, давлат мақсадли фондларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига тўловлар;

учинчи навбатда — бошқа кредиторларнинг талаблари.

24. Кредиторларнинг гаров (ипотека) билан таъминланган талабларини қондириш корхонанинг гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров предметини) белгиланган тартибда сотишдан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу маблағлар қолдиғи кредиторлар талабларини мазкур Низомнинг 23-бандида белгиланган навбат бўйича қондириш учун йўналтирилади.

Агар гаров (ипотека) предметини сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда талабларнинг қолган қисми ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган навбат бўйича қондирилади.

25. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда тугатувчи томонидан:

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчи жалб этилади;

корхона мол-мулкни очик савдоларда сотиш ташкил этилади.

Муомаладаги чекланган мол-мулкни сотиш ёпиқ савдоларда, қонунчиликка мувофиқ кўрсатиб ўтилган мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига ёки бошқача буюм эгаси ҳуқуқига эга бўлган шахслар иштирокида амалга оширилади.

26. Савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулк кредиторларга баҳолаш суммасида, ушбу Низомнинг 23 ва 24-бандларида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилиш таклиф этилиши керак.

27. Гаровга қўйилган мулкни гаров сақловчига мулк қилиб бериш «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига ҳамда «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Мол-мулкни бошқа кредиторларга беришда унинг баҳолаш суммаси эътироф этилган талабларни тўлаш ҳисобига қўшилади, баҳолаш суммаси билан талаб миқдори ўртасида корхона фойдасига ҳосил бўлган тафовут бир ҳафта муддатда кредитор томонидан корхонага тўланади.

28. Кредиторлар талабларини қондириш муассислар (қатнашчилар) томонидан тугатилаётган корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамларига йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

29. Кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришнинг мумкин эмаслиги аниқланган тақдирда тугатувчи корхонани тўловга қодир эмас (банкрот) деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт. Корхона тўловга қодир эмас (банкрот) деб эътироф этилган вақтдан бошлаб ихтиёрий тугатиш тўхтатилади ва бундан кейинги тартибот банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

30. Тугатувчи:

кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан кейин;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, молиявий санкциялар суммаси, шу жумладан текширишлар якунлари бўйича тўлангандан кейин;

корхонанинг мол-мулки мол-мулкка эгалик қилиш юзасидан буюмлар бўйича ҳуқуқларга ёки ушбу корхонага нисбатан мажбуриятлар бўйича ҳуқуқларга эга бўлган муассислар (қатнашчилар) ўртасида тақсимлангандан кейин тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

31. Тугатиш баланси корхонанинг муассислари (қатнашчилари) томонидан тасдиқланади ва давлат солиқ хизмати органига топширилади.

Тугатиш баланси қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи, корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида тугатувчига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома бериши шарт.

32. Давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси олингандан кейин тугатувчи корхонанинг асосий ҳисоб рақами очилган банкка ҳисоб рақамини ёпиш тўғрисидаги ариза-топшириқнома билан мурожаат қилади. Банк бир иш куни мобайнида корхонага тегишли бўлган ҳисоб рақамини ёпади ва тугатувчига асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисида маълумотнома беради.

33. Тугатувчи асосий ҳисоб рақами ёпилгандан кейин уч иш куни мобайнида давлат архивига корхонанинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини топширади.

34. Тугатувчи корхонани давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга қуйидаги ҳужжатларни:

— бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиққан корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги эълонни;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;

корхонанинг барча ҳисоб рақамлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномаларини;

корхонанинг муҳр ва штампларини;

ваколатли органнинг, агар мавжуд бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотномасини;

агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхаларини;

давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги маълумотномасини;

корхона ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этади.

35. Рўйхатдан ўтказган орган ушбу Низомнинг 34-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар олингандан кейин икки иш куни мобайнида давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритади ёхуд улар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган тақдирда давлат реестрига ёзувлар киритилишини рад этади.

Рўйхатдан ўтказган органнинг қарори у қабул қилинган кундан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади. Реестрга киритиш рад этилган тақдирда тугатувчига айни бир вақтда олинган барча ҳужжатлар, муҳр ва штамплар қайтарилади.

36. Рўйхатдан ўтказган орган давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин бир ҳафта муддатда:

корхона тугатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади;

тугатилган корхонанинг муҳр ва штампларини ички ишлар органига йўқ қилиш учун топширади;

корхонага берилган лицензия ва рухсатномаларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) уларни берган органларга топширади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкнинг корхона жойлашган жойдаги филиалини корхона тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

37. Тадбиркорлик субъекти — юридик шахсни ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб тўққиз ойдан ошмаслиги керак.

Агар кўрсатилган муддат ўтгунгача ушбу Низомнинг 34-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ комплекти рўйхатдан ўтказган органга тақдим этилмаса, ихтиёрий тугатиш тўхтатилади. Рўйхатдан ўтказган орган бир иш куни мобайнида давлат солиқ хизмати ва статистика органларига ихтиёрий тугатиш тўхтатилгани тўғрисида хабар қилади.

38. Ихтиёрий тугатиш ушбу Низомнинг 37-бандида кўрсатилган муддатда тугалланмаганда, шунингдек ихтиёрий тугатиш ва корхона фаолиятини тиклаш тартиботи тўхтатилганда ушбу Низомнинг 16-банди «а» кичик банди учинчи хатбошида белгиланган имтиёзлар қўлланмайди ҳамда барча тегишли тўловлар уларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатиб қўйилган давр учун тўлиқ ҳажмда ундирилади.

#### **IV. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби**

+

39. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш ушбу Низом 2-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

40. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмай:

а) рўйхатдан ўтказган органга — ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини жўнатади, қарорда корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлиши керак;

б) корхонанинг талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда асосий ҳисоб рақами деб аталади) хизмат кўрсатувчи банкка ва корхонанинг хорижий валютадаги маблағлари жамланган ваколатли банкка:

ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

имзолар намуналари ва тугатувчи муҳрининг босма изи қўйилган, нотариал тасдиқланган карточкаларнинг икки нусхасини;

в) корхонанинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисоб рақамларига, жамғарма депозит ҳисоб рақамларига ва муддатли депозит ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

г) корхонанинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ва муддатли депозит ҳисоб рақамлари очилган банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисоб рақамларига, унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақами очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига ёки агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк

-

ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

41. Рўйхатдан ўтказган орган ва банклар ушбу Низомнинг 40-бандида назарда тутилган ҳужжатларни олганлигини ёзма равишда тасдиқлашлари шарт. Рўйхатдан ўтказган орган ва банкнинг ҳужжатларни қабул қилиб олган сана тўғрисидаги белги, уларнинг тугатувчига ёзма ёки электрон хабари, ҳужжатлар рўйхатдан ўтказган орган ва банкка юборилгани ҳақидаги почта квитанцияси ва шу кабилар мазкур ҳужжатлар олинганининг тасдиғи ҳисобланади.

42. Қўйидагилар:

а) рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган санадан бошлаб:

корхонанинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган ёхуд мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланиш учун беришга сабаб бўладиган битишувларни амалга ошириш тақиқланади;

б) миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган асосий ҳисоб рақамларига ва иккиламчи депозит ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб — корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга фақат тугатувчининг топшириғига биноан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Шунингдек корхонага хизмат кўрсатувчи барча иккиламчи депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ҳисоб рақамлари ҳамда муддатли депозит ҳисоб рақамлари:

— миллий валютадагилари — улардаги мавжуд маблағларни корхонанинг асосий ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда; +

хорижий валютадагилари — маблағларнинг мавжуд қолдиқларини корхонанинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамлари очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларига ёки, агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда ёпилади.

43. Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда корхона ходимлари билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш чора-тадбирларини кўради;

б) корхонанинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиш;

в) бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар берилишини ташкил қилади, эълонларда қўйидагилар кўрсатилади:

корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек корхонанинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари кўрсатилади);

корхонанинг жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчи идентификация тартиб рақами;

рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили);

ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами);

давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб корхона томонидан молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

44. Рўйхатдан ўтказган орган корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги қарор нусхаси олингандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай юридик шахсларнинг давлат реестрига корхонанинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу тўғрида корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар, давлат солиқ хизмати ва статистика органларини ҳабардор қилади.

45. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ички ишлар органи рўйхатдан ўтказган органдан корхонанинг ихтиёрий тугатилгани тўғрисидаги ахборотни олган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай унга номи ёзилган амалдаги муҳрлар ва штампларни тайёрлаш учун корхонага берилган барча рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

46. Тугатувчи корхонани давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан санадан кейин бир ойдан эрта бўлмаган муддатда қуйидаги ҳужжатларни:

корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисида бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиққан эълонни;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;

банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат ёки, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномасини;

муассислар (қатнашчилар)нинг улар ўртасида мол-мулк тақсимланганлиги тўғрисидаги қарорини;

корхонанинг муҳр ва штампларини;

корхона ҳужжатлари давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этади.

47. Рўйхатдан ўтказган орган ушбу Низомнинг 46-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олингандан сўнг кейинги иш кундан кечиктирмай корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига қуйидагиларни тасдиқлаш учун сўровнома юборади:

корхона томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлигини тасдиқлаш учун. Бунда корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати рўйхатдан ўтказган органининг сўровномаси олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида ёзма жавоб юборади;

тақдим этилган ҳужжатларда банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат мавжуд бўлганда — корхона томонидан ҳисоб рақамлари очилмаганлигини тасдиқлаш учун. Бунда корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи сўровнома олинган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида ёзма жавоб юборади.

48. Рўйхатдан ўтказган орган кредиторлар талаблари мавжуд бўлмаган тақдирда қуйидаги саналардан биттаси бошланганда корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни икки иш куни мобайнида давлат реестрига киритади:

ушбу Низомнинг 46-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар олинган сана бошланганда — тақдим этилган ҳужжатларда асосий ҳисоб рақамининг ёпилгани тўғрисида банк маълумотномаси мавжуд бўлган тақдирда;

давлат солиқ хизмати органининг корхона томонидан банкда асосий ҳисоб рақами очилмаганлигини тасдиқловчи маълумотномаси олинган сана бошланганда — ушбу Низомнинг 46-бандида кўрсатилган тақдим этилган ҳужжатларда тугатувчининг ҳисоб рақами очилмаганлиги тўғрисидаги хати мавжуд бўлган тақдирда.

49. Рўйхатдан ўтказган орган корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритишни қуйидаги ҳолларда:

ушбу Низомнинг 46-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

кредиторлар талаблари мавжуд бўлганда;

рўйхатдан ўтказган органнинг корхона томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги сўровномасига давлат солиқ хизмати органининг жавоби салбий бўлганда;

корхона томонидан банкда асосий ҳисоб рақами очилмаганлиги давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланмаганда рад этиши мумкин.

50. Рўйхатдан ўтказган органнинг қарори қабул қилинган кунидан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади. Бунда реестрга киритиш рад этилган тақдирда тугатувчига айна бир вақтда олинган барча ҳужжатлар, муҳр ва штамплар қайтарилади.

51. Рўйхатдан ўтказган орган давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин бир ҳафта муддатда:

корхона тугатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади;

тугатилган корхонанинг муҳр ва штампларини ички ишлар органига йўқ қилиш учун топширади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг корхона жойлашган жойдаги филиалини корхона тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

52. Корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритиш қуйидаги:

— ушбу Низомнинг 49-банди иккинчи ва бешинчи хатбошида кўрсатилган сабабларга кўра рад этилган тақдирда корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув давлат реестрига рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин киритилади;

Ушбу Низомнинг 49-банди учинчи ва тўртинчи хатбошида кўрсатилган сабабларга кўра рад этилган тақдирда ихтиёрий тугатиш ушбу Низомнинг III бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

+

#### **V. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш**

53. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

54. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг рўйхатдан ўтказган органга тақдим этган аризаси асосида амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси. Маълумотнома давлат солиқ хизмати органи томонидан тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс мурожаат қилгандан кейин икки иш кунидан кечиктирмай, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар мавжуд бўлганда эса — улар тўлангандан кейин икки иш кунидан кечиктирмай берилади;

муҳр ва штамплар, агар улар мавжуд бўлса;

барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхалари, агар улар мавжуд бўлса; давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат ёки, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномаси.

55. Агар тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс банкларда ҳисоб рақамлари очилмагани тўғрисида хат тақдим этса рўйхатдан ўтказган орган хат олингандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига унинг ҳисоб рақами очмаганлигини тасдиқлаш учун сўровнома юборади. Бунда давлат солиқ хизмати органи сўровнома олинган кундан бошлаб икки кун мобайнида ёзма жавоб юборади.

56. Рўйхатдан ўтказган орган давлат реестрига қуйидаги ҳужжатлар олингандан кейин бир иш кунини мобайнида тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни киритади:

ушбу Низомнинг 54-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар;

давлат солиқ хизмати органининг ушбу Низомнинг 55-бандига мувофиқ ҳисоб рақами очилмагани тўғрисидаги тасдиқномаси.

57. Рўйхатдан ўтказган органнинг тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни давлат реестрига киритиш ҳақидаги қарори қабул қилингандан сўнг бир иш кунини мобайнида тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахснинг бевосита ўзига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади.

58. Давлат реестрига тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув киритилгандан кейин рўйхатдан ўтказган орган бир ҳафта муддатда:

давлат солиқ хизмати органини тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолияти тўхтатилгани тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилади;

фаолияти тўхтатилган тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахснинг муҳри ва штампларини уларни йўқ қилиш учун (улар мавжуд бўлганда) ички ишлар органига топширади;

лицензия ва рухсатномаларни (улар мавжуд бўлганда) уларни берган органларга топширади.

59. Тадбиркорлик субъекти сифатида фаолиятининг тўхтатилиши жисмоний шахсни кредиторлар олдидаги унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятларидан озод қилмайди.

## VI. Яқуний қоидалар

60. Корхона муассислари (қатнашчилари) тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс, тугатувчи ўзлари тайёрлаган, рўйхатдан ўтказган органга ва давлат солиқ хизмати органига тақдим этган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

61. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар, шу жумладан ўзларига юкланган вазифаларни бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик натижасида кредиторларга, муассисларга (қатнашчиларга) ёки учинчи шахсларга етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошираётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш схемаси**

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1- босқич	Муассислар (қатнашчилар)	Тугатувчини тайинлаш. Тугатишнинг мўлжалланаётган муддатини белгилаш.	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда
2- босқич	Корхона бошқариш органлари	Тугатувчига корхона фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек корхонанинг муҳрлари, штамплари ва бошқа мол-мулкни бериш.	Тугатувчи тайинлангандан кейин уч кун мобайнида
	Тугатувчи	Рўйхатдан ўтказган органга ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини тақдим этиш.  Банкка қуйидагиларни тақдим этиш: ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси; тугатувчи имзоларининг ва муҳри босма изининг намуналари билан бирга нотариал тасдиқланган карточкаларнинг икки нусхаси; барча ҳисоб рақамларини ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамига ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқнома.	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай
	Банк	Молия-хўжалик фаолиятини тўхтатиб қўйиш. Ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, шунингдек барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб ёзишни тўхтатиш. Корхона ҳисоб рақамларидан маблағларни тугатувчининг олдиндан берган розилигисиз ҳисобдан чиқарилишига йўл қўймаслик. 2-картотеканинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш. Пул маблағларини ҳар бир валюта тури бўйича ягона ҳисоб рақамида жамлаш.	Рўйхатдан ўтказган орган хабардор қилинган кундан бошлаб  Банк хабардор қилинган кундан бошлаб
3- босқич	Тугатувчи	Корхона ходимлари билан меҳнат муносабатларини тўхтатиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўриш. Корхонанинг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўтказиш. Корхона томонидан йил бошидан бошлаб рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган санагача бўлган давр учун тўланадиган барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тузиш.	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб

		Дебиторлик қарзни олиш ҳамда кредиторларни аниқлаш ва корхонани тугатиш тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш чораларини кўриш.	
4- босқич	Тугатувчи	<p>Бир ёки бир неча даврий босма нашрларда ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интернет-сайтида корхона тугатилиши тўғрисида эълон бериш, унда қуйидагилар кўрсатилади:</p> <p>корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи; жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификациялаш тартиб рақами;</p> <p>рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами);</p> <p>кредиторлар талаблари кўрсатилган ҳолдаги аризаларни қабул қилиш муддати (эълон чиққан вақтдан бошлаб камида икки ой).</p>	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб
5- босқич	Рўйхатдан ўтказган орган	<p>Юридик шахсларнинг давлат реестрига корхонанинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш.</p> <p>Ихтиёрий тугатиш тўғрисида:</p> <p>ички ишлар;</p> <p>давлат солиқ хизмати;</p> <p>статистика органларини хабардор қилиш.</p>	Хабардор қилингандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай
	Ички ишлар органи	<p>Рўйхатдан ўтказган органга корхона номи ёзилган амалдаги муҳрлар ва штампларни тайёрлаш учун корхонага берилган барча рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.</p> <p>Корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни тайинлаш ва белгиланган тартибда ўтказиш.</p>	<p>Билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай</p> <p>Билдиришнома олинган кундан бошлаб тегишли равишда 3+30 кун</p>
	Давлат солиқ хизмати органи	<p>Текшириш тафтиш қилиш кўрсатилган муддатларда тугалланмаган тақдирда корхонанинг тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзини аниқлаш.</p>	
6- босқич	Тугатувчи	<p>Давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текширишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда оралиқ тугатиш балансини тузиш.</p>	Кредиторлар томонидан талабномалар тақдим этиш муддати тугагандан кейин
	Муассислар (қатнашчилар)	Оралиқ тугатиш балансини тасдиқлаш.	Оралиқ тугатиш баланси тасдиқлаш учун тақдим этилгандан кейин

	Тугатувчи	Ҳар бир кредиторни унинг талабномаларини эътироф этиш ёки рад қилиш, эътироф этилган талабномалар суммаси тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.	Оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин 5 иш кун мобайнида
7-босқич	Тугатувчи	Кредиторлар билан белгиланган навбат бўйича ҳисоб-китоб қилиш. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари етишмаганда мол-мулкни сотиш. Сотилмаган тақдирда мол-мулкни кредиторларга мулк қилиб бериш.  Муассислар (қатнашчилар) томонидан тугатилаётган корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамларига йўналтириладиган маблағлар ҳисобига кредиторлар талабномаларини қондириш имконияти.	Оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин
8-босқич	Тугатувчи Муассислар (қатнашчилар)	Қолган мол-мулкни муассисларга (қатнашчиларга) бериш. Тугатиш балансини тузиш. Тугатиш балансини тасдиқлаш.	Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан кейин
9-босқич	Тугатувчи Давлат солиқ хизмати органи	Тугатиш балансини давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш.  Қарз бўлмаган тақдирда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома бериш.	Тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин Бир иш куни мобайнида
10-босқич	Тугатувчи	Барча банк ҳисоб рақамларини ёпиш.  Хужжатларни давлат архивига бериш.	Солиқ органи маълумотномаси олингандан кейин Барча ҳисоб рақамлари ёпилгандан кейин уч иш куни мобайнида
11-босқич	Тугатувчи	Корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритиш учун рўйхатдан ўтказган органга қуйидагиларни тақдим этиш: бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисида чиққан эълон; давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; хизмат кўрсатувчи банкнинг барча ҳисоб рақамлари ёпилгани тўғрисидаги маълумотномаси; муҳрлар ва штамплар; ваколатли органнинг, агар мавжуд бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотномаси; агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхалари; давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси; давлат архиви маълумотномаси.	Тегишли хужжатлар расмийлаштирилгандан кейин

12- босқич	Рўйхатдан ўтказган орган	Корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Икки иш куни мобайнида
		Хужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган тақдирда корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Бир иш куни мобайнида
		Тугатувчини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилиш.	Бир ҳафта муддатда
		Давлат солиқ хизмати ва статистика органларини, шунингдек ҳудудий адлия бошқармасини хабардор қилиш.	
		Муҳрлар ва штампларни ички ишлар органига йўқ қилиш учун топшириш.	
		Лицензиялар ва рухсатномаларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) уларни берган органларга топшириш.	
		Ўзбекистон Республикаси Халқ банки филиалини хабардор қилиш.	

Бунда корхоналарни ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб тўққиз ойдан ошмайди.

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1- босқич	Муассислар (қатнашчилар)	Тугатувчини тайинлаш. Тугатишнинг мўлжалланаётган муддатини белгилаш.	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда
2- босқич	Корхонани бошқариш органлари	Тугатувчига корхона фаолияти билан боғлиқ барча хужжатларни, шунингдек корхонанинг муҳрлари, штамплари ва бошқа мол-мулкни бериш.	Тугатувчи тайинлангандан кейин уч кун мобайнида
	Тугатувчи	Рўйхатдан ўтказган органга ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини тақдим этиш. Банкка куйидагиларни тақдим этиш: ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси; тугатувчи имзоларининг ва муҳри босма изининг намуналари билан бирга нотариал тасдиқланган қарточкаларнинг икки нусхаси;	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай

	Банк	барча ҳисоб рақамларини ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамига ва хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқнома. Корхона ҳисоб рақамларидан маблағларнинг тугатувчининг олдиндан берган розилигисиз ҳисобдан чиқарилишига йўл қўймаслик. Пул маблағларини ҳар бир валюта тури бўйича ягона ҳисоб рақамида жамлаш.	Банк хабардор қилинган кундан бошлаб
3- босқич	Тугатувчи	Корхона ходимлари билан меҳнат муносабатларини тўхтатиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўриш. Корхонанинг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўтказиш.	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб
4- босқич	Тугатувчи	Бир ёки бир неча даврий босма нашрларда ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интернет-сайтида корхона тугатилиши тўғрисида эълон бериш, унда қуйидагилар кўрсатилади:  корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи; жойлашган жойи (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификациялаш тартиб рақами; рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумотлар; ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами); давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб корхона томонидан молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар.	Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин
5- босқич	Рўйхатдан ўтказган орган  Ички ишлар органи	Юридик шахсларнинг давлат реестрига корхонанинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш. Ихтиёрий тугатиш тўғрисида: ички ишлар; давлат солиқ хизмати; статистика органларини хабардор қилиш. Рўйхатдан ўтказган органга корхона номи ёзилган амалдаги муҳрлар ва штампларни тайёрлаш учун корхонага берилган барча рухсатномалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.	Хабардор қилингандан сўнг кейинги кундан кечик май  Билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай
6- босқич	Тугатувчи	Мавжуд бўлган тақдирда, талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамини ёпиш.	Эълон чиққандан кейин бир ой мобайнида
		Рўйхатдан ўтказган органга қуйидагиларни тақдим этиш: бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисида чиққан эълон; давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;	Ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги эълон

7- босқич	Тугатувчи	банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисида хат ёки банкнинг, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги маълумотномаси; муассислар (қатнашчилар) йиғилишининг корхона мол-мулки улар ўртасида тақсимланганлиги тўғрисидаги қарори (протоколи); корхонанинг мухрлари ва штамплари.	чиққандан кейин бир ойдан эрта бўлмаган муддатда
8- босқич	Рўйхатдан ўтказган орган  Давлат солиқ хизмати органи  Рўйхатдан ўтказган орган  Давлат солиқ хизмати органи	Сўровномани Давлат солиқ хизмати органига қуйидагиларни: а) давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб корхон томонидан молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлигини; ёзма жавоб жўнатиш.  б) тақдим этилган ҳужжатларда банкларда ҳисоб рақамлари очилмагани тўғрисидаги хат мавжуд бўлганда — корхона томонидан ҳисоб рақами очилмаганлигини тасдиқлаш учун жўнатиш. Сўровномага ёзма жавоб жўнатиш.	Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай  Сўровнома олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай  Сўровнома олинган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида
9- босқич	Рўйхатдан ўтказган орган	Корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритиш ҳақида қарор қабул қилиш. Тугатувчини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилиш.  Давлат солиқ хизмати ва статистика органларини, шунингдек ҳудудий адлия бошқармасини хабардор қилиш. Мухрлар ва штампларни ички ишлар органига йўқ қилиш учун топшириш. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки филиалини хабардор қилиш.	Сўровнома(жўнатиш тақдирда — иккала сўровнома) тасдиқлангандан кейин бир иш куни мобайнида Бир иш куни мобайнида  Бир ҳафта муддатда

Бунда ихтиёрий тугатиш муддати қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўртача уч ойгачани ташкил қилади.

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш схемаси**

Босқичлар	Субъектлар	Механизм	Муддатлар
1-босқич	Жисмоний шахс	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома олиш учун давлат солиқ хизмати органига мурожаат қилиш. Мавжуд бўлган тақдирда, талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисоб рақамини ёпиш учун банкка мурожаат қилиш.	Рўйхатдан ўтказган органга ариза тақдим этилгунгача Давлат солиқ хизмати органи маълумотномаси олингандан кейин
2-босқич	Давлат солиқ хизмати органи Банк	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома бериш. Мавжуд бўлган тақдирда, талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисоб рақами ёпилганлиги тўғрисида маълумотнома бериш.	Мурожаат қилингандан ёки, мавжуд бўлган тақдирда, қарзлар тўлангандан кейин икки иш кунидан кечикмай Ҳисоб рақами ёпилгандан кейин
3-босқич	Жисмоний шахс	Рўйхатдан ўтказган органга фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш тўғрисидаги аризани қуйидагиларни илова қилган ҳолда тақдим этиш: давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси; муҳрлар ва штамплар (улар мавжуд бўлса); агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (руҳсатномалар)нинг асл нусхалари; давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат ёки мавжуд бўлган тақдирда, банкнинг асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги маълумотномаси.	Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин
4-босқич	Рўйхатдан ўтказган орган Давлат солиқ хизмати органи	Тегишли хат тақдим этилган тақдирда, корхона томонидан банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлигини тасдиқлаш учун давлат солиқ хизмати органига сўровнома жўнатиш. Сўровномага ёзма жавоб жўнатиш.	Ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмай Сўровнома олинган кундан бошлаб икки кун мобайнида
5-босқич	Рўйхатдан ўтказган орган	Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни давлат реестрига киритиш ҳақида қарор қабул қилиш Жисмоний шахсни қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилиш. Давлат солиқ органини хабардор қилиш.	Барча ҳужжатлар ва сўровнома жўнатилган тақдирда солиқ органи тасдиқномаси олингандан кейин бир иш куни мобайнида

		Муҳрлар ва штампларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) ички ишлар органига йўқ қилиш учун топшириш. Лицензиялар ва рухсатномаларни (мавжуд бўлган тақдирда) уларни берган органларга топшириш.	Бир иш куни мобайнида  Бир ҳафта муддатда
--	--	--	---

Бунда тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхта-тиш муддати рўйхатдан ўтказган органга ариза берилган вақтдан бошлаб икки кун-ни, банкларда ҳисоб рақамлари очилмаган тақдирда эса — ўртача бир ҳафтани таш-кил қилади.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **180** Ўн икки йиллик таълимга тўлиқ ўтиш ҳамда Тош-кент шаҳридаги янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар объектларини 2007-2008 ўқув йилига ўз вақтида тайёрлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда ўн икки йиллик таълимга тўлиқ ўтиш, бунинг учун юқори талабларга жавоб бера-диган моддий-техника базасига эга бўлган, замонавий компьютер техникаси, ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали педагогик кадрлар билан таъминланган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларининг ривожланган тармоғини яратиш мақсадида:

1. Қайд этиб ўтилсинки, ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрида 66937 ўқувчи ўрин-ларига эга бўлган 85 та касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари қоши-даги 14100 ўқувчи ўринларига эга бўлган 31 та академик лицейлар фаолият юритмоқ-да, жумладан, янги қурилганлари ва реконструкция қилинганлари ҳисобига 30524 ўқувчи ўринларига эга бўлган 38 та касб-ҳунар коллежлари ҳамда 10735 ўқувчи ўринлари-га эга бўлган 22 та академик лицейлар ишга туширилган.

2007 йилда тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ, 5340 ўқувчи ўринла-рига эга 6 та касб-ҳунар коллежлари ва 3330 ўқувчи ўринларига эга 5 та академик лицейлар қурилиши ва реконструкция қилинишини яқунлаш назарда тутилмоқда. Янги ишга тушириладиган касб-ҳунар коллежларида 76 йўналиш ва 140 ихтисос бўйича мутахассислар тайёрланади.

Амалда барча касб-ҳунар коллежлари замонавий моддий-техника базасига эга, янги ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, малакали кадрлар би-лан тўлдирилган.

Текширувларнинг кўрсатишича, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқув жараёнларини янги таълим стандартларига қатъиян мувофиқ равишда янгит-дан ишлаб чиқилган замонавий ўқув дастурлари бўйича амалга оширмоқдалар. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг мутлақ кўпчилигида ўқитиш бир сме-нада олиб борилмоқда.

Агар 2007 йилда Тошкент шаҳрида тўққизинчи синфлардаги ўқишни 36688 нафар ўқувчи тамомлаётгани ҳисобга олинса, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, шаҳардаги мавжуд ҳамда жорий йилда ишга тушириладиган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қувватлари мактаб битирувчиларини ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув муассасаларида ўқишни давом эттириш учун қабул қилинишини тўлиқ таъминлаш имконини беради, бу ерда ёшлар умумий ўрта маълумот олиш билан бир қаторда, аниқ бир касбни эгаллайдилар, шунингдек олий таълим муассасаларига кириш имкониятига эга бўладилар.

Айни вақтда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар реал иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий ҳаёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида йўналишлар ва ихтисослар бўйича малакали кадрларни тайёрлаш жараёнига тузатишлар киритишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга, 9-синф ўқувчилари орасида ўтказилган социологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, олий ўқув муассасалари қошидаги академик лицейларда ўқувчи ўринлари сонини ошириш ва янги академик лицейлар очишга қўшимча эҳтиёж борлиги аниқланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, тегишли пудратчи қурилиш ташкилотлари, 1-иловага\* мувофиқ, 2007 йилги Инвестиция дастурига киритилган Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг сифатли қурилиши ва реконструкция қилинишини 2007/2008 ўқув йили бошланишигача якунласин, уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини, мебель, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси 2007 йилги Инвестиция дастурида назарда тутилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда сифатли қурилиши ва ўз вақтида фойдаланишга топширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2007 йилда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари қошида 2-иловага\* мувофиқ қўшимча академик лицейларни очиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси 2-иловада кўрсатилган академик лицейларнинг моддий-техника базасини синчиклаб хатловдан ўтказсин ва зарур ҳолларда уларни реконструкция қилиш учун 2008 йилги Инвестиция дастурига киритиш тўғрисидаги таклифни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2007 йилнинг 20 майгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига қабул қилиш Давлат комиссиясига, ушбу қарорда назарда тутилганидек, уларнинг тармоғи кенгайтирилиши ва йўналиши ўзгартирилишини ҳисобга олган ҳолда, 2007-2008 ўқув йилида ўқувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш тўғрисида асосли таклифлар киритсин.

Бунда ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларидаги рус тилида ўқитиладиган гуруҳларининг 1-курсига камида 10,5 минг ўқувчини қабул қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта мах-

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

сус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Истеъдод» жамғармаси билан биргаликда:

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига олий таълим муассасаларидаги етакчи ўқитувчилардан юқори малакали педагог кадрлар ҳамда мутахассис-амалиётчилар, шунингдек умумтаълим мактаблари 10-11-синфларининг бўшайдиган юқори малакали ўқитувчилари жалб этилишини таъминласин;

умумтаълим мактабларининг бўшайдиган юқори синф ўқитувчиларини кейинчалик ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ишлашлари учун уларни ихтисослашган мақсадли курсларда қайта тайёрлаш ва қайта йўналтиришни ташкил этсин;

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларидаги юқори синфларнинг тугатилиши муносабати билан бўшайдиган ўқитувчиларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган Тошкент шаҳрида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва 2007 йилда ишга тушириш бўйича топшириқларни ҳисобга олган ҳолда:

Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2007 йилдаги қурилишлар манзилли рўйхатига улар учун тасдиқланган бюджет маблағлари лимитлари доирасида тузатишлар киритсин;

2007 йилда янги ташкил этиладиган академик лицейлар бўйича 2007/2008 ўқув йилида жорий харажатларни молиялаштириш бўйича тузатишлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамоат ташкилотлари билан биргаликда:

умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари ўрта-сида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқишнинг афзалликлари ва кенг имкониятлари, уларнинг жиҳозланиш даражаси ҳамда қўлланилаётган замонавий педагогик технологиялар тўғрисида кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб брсин;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидаги таълим йўналишларининг тақдимотини, шунингдек таълим муассасаларида «очиқ эшиклар куни»ни ташкил этсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Р.С.Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 1 май,  
ПҚ-633-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**181 Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007/2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Республика иқтисодиёти тармоқлари, корхоналари ва муассасаларини 2007/2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

республика иқтисодиёти тармоқларини 2007/2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича тадбирлар 1-иловага\* мувофиқ;

асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарни, шунингдек ижтимоий соҳа объектларини ҳудудлар бўйича 2007/2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш топшириқлари 2—4-иловаларга\* мувофиқ;

асосий ёқилғи-энергетика ресурслари ва техник тузни ҳудудлар бўйича 2007/2008 йиллар куз-қиш даври учун тайёрлаш топшириқлари 5-иловага\* мувофиқ;

2007 йилда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига умумтаълим мактабларини жорий таъмирлашнинг манзилли дастури 6-иловага\* мувофиқ;

республика иқтисодиёти тармоқларини 2007/2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркиби 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг коммунал хизмат кўрсатиш масалаларига мутасадди ўринбосарлари раҳбарлигида айнан шундай ҳудудий комиссиялар тузсинлар.

3. Республика комиссияси (Н.М.Ханов) республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларини 2007/2008 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар ва топшириқларни бажариш юзасидан ташкилий тадбирлар комплекси белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 2 май,  
ПҚ-634-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING QARORI

# 182

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

-

Тошкент ш.,  
2007 йил 27 апрель,  
85-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 27 апрелдаги 85-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкогольли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 8-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 5 январдаги 2-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 1-сон, 2-модда) 5-бандининг тўртинчи хатбошидаги «100» ва «200» рақамлари тегишли равишда «200» ва «300» рақамлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана

сотишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 26 мартдаги 136-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 16-модда):

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўйидаги мазмундаги 15-банд қўшилсин:

«15. Алкоголли маҳсулотларни сотиш».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда):

а) қарорга 1-иловада:

57-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Алкоголли ичимликлар билан савдо қилиш алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун, шу жумладан алкоголли маҳсулотларни қўйиб сотиш учун белгиланган тартибда берилган рухсатнома асосида ҳамда ушбу мақсадлар учун махсус мўлжалланган, фискал хотираси ҳимояланган назорат-касса машиналаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

58-бандда:

биринчи хатбошидаги «мувофиқ бўлган» сўзларидан кейин «белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркаланган» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш фақат алкоголли маҳсулотларни сақлаш ва сотишнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлган омборхоналари ва асбоб-ускуналари бўлган (шу жумладан назорат-касса машиналарини қўлланиш, моддий бойликларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш шароитларига эга бўлган), алоҳида кириш жойи ҳамда шаҳарларда — камида 25 квадрат метрли, қишлоқ жойларда — камида 15 квадрат метрли (фақат алкоголли маҳсулотлар сотиш учун мўлжалланган) савдо зали, узоқ тоғли жойларда — алоҳида савдо бўлими мавжуд бўлган турғун савдо шохобчаларида амалга оширилиши мумкин»;

59-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«59. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, чакана савдо объектлари томонидан алкоголли ичимликларни сотиш вақти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан, алкоголли маҳсулотлар сотиш шартларига мувофиқ белгилади»;

60-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«60. Алкоголли ичимликларни:

18 ёшга тўлмаган шахсларга;  
мувофиқлик сертификатисиз;  
яроқлилиқ муддати ўтиб кетган ҳолда;  
акциз маркалари билан маркаланмаган ҳолда ёки қалбаки акциз маркалари билан;

тайёрлаган корхонани аниқлаш имконини бермайдиган, аниқ маркаланмаган ҳолда;

уни тайёрлаш учун лицензияга эга бўлмаган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари тайёрлаган алкогольли ичимликларни;

уларни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган етказиб берувчи томонидан ёки божхона тартиб-қоидалари, савдо белгиларидан ва фирма номларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларида, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузган ҳолда етказиб берилган алкогольли ичимликларни;

алкоголли маҳсулотларни сақлаш ҳамда сотишнинг санитария норма ва қоидаларига мувофиқ бўлмаган жойларда;

ўқув муассасалари, мактабгача ва диний муассасалардан 500 метрдан кам радиусда жойлашган савдо корхоналарида;

жамоат транспорти бекатларида, шу жумладан метрополитен станциялари ёнида жойлашган савдо корхоналарида, жамоат ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ошхоналарида, шунингдек аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларга яқин жойларда;

этикеткасиз, ифлос (ички ёки сиртқи томони), ёрилган, қопқоқланадиган жойи шикастланган, умуман тиниқ бўлмаган, ичига чет аралашмалар тушган, чўкинди қолдиқлари мавжуд бўлган (коллекцион виноларникидан ташқари) шиша бутилкаларда сотиш тақиқланади»;

б) қарорга 2-иловининг 20-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Алкоголли маҳсулотларни умумий овқатланиш корхоналарида сотиш, алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан бериладиган рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**183** Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети параметрларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга маблағларни назарда тутсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 28 апрель,  
86-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 28 апрелдаги 86-сон қарорига  
ИЛОВА

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларига (кейинги ўринларда ННТ деб аталади) давлат субсидиялари ажратиш, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмаси бериш шаклида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Адлия органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва камида бир йил фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган ННТ фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига талабгор бўлишлари мумкин.

3. ННТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлар ҳажми ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг асосий параметрларида алоҳида сатрда тасдиқлана-

ди, унинг доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари-дан ҳар бирига йўналтириладиган маблағлар ҳажми белгиланади.

## II. Давлат субсидияси ажратиш тартиби

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари (кейинги ўринларда давлат субсидиялари деб аталади) маблағлари ҳисобига ННТ фаолиятини ҳамда махсус лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлмаган фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган молиявий ёки бошқача моддий ёрдам давлат субсидияси ҳисобланади.

5. ННТ фаолиятини давлат субсидиялари ажратиш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятни амалга оширувчи, фуқаролик жамияти институтлари тизимини ривожлантиришда қатнашувчи ННТ давлат субсидиялари олишга талабгор бўлишлари мумкин.

7. Давлат субсидиялари фақат ННТнинг уставдаги мақсадлари ва вазифаларини бажариш учун, шу жумладан жорий таъминот, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ўтказиш учун ажратилади ва фойдаланилади.

8. Давлат бюджети асосий параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасидаги давлат субсидияларини ННТ ўртасида тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Давлат бюджети қабул қилингандан кейин 15 кун мобайнида ННТ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат субсидиялари ажратиш тўғрисида, улардан фойдаланиш йўналишларини кўрсатган ҳолда ёзма буюртманома билан мурожаат қиладилар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тушган буюртманомаларни ННТ иш тажрибаси, уставдаги вазифаларининг бажарилиши, фаолиятининг ижтимоий аҳамияти даражаси тўғрисида хулосалар тақдим этиш учун — Адлия вазирлигига ҳамда ННТга илгари ажратилган давлат маблағларидан фойдаланишда молия интизомига риоя этилиши масаласи бўйича хулосалар тақдим этиш учун — Молия вазирлигига жўнатади;

Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар бир ННТ бўйича материалларни кўриб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига уч ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда ўз хулосаларини жўнатадилар.

Вазирлар Маҳкамаси тақдим этилган хулосаларни ҳисобга олган ҳолда, ННТ мурожаат қилган кундан бошлаб бир ой мобайнида давлат субсидиялари ажратиш тўғрисида қарор қилади.

9. Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг ҳар чоракда тенг улушларда давлат субсидиялари ажратиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ҳар бир ННТни тасдиқланган ҳажмлар доирасида молиялаштиришни амалга оширади. Ажратилган давлат субсидияларини ҳисобга киритиш ва сарфлаш давлат субсидиялари оладиган ННТ учун махсус очилган бюджет ҳисоб рақамларидан амалга оширилади.

10. Давлат субсидиялари маблағларининг йил охиридаги фойдаланилмай қолган қолдиқлари бюджетга қайтарилади.

11. Давлат субсидиялари оладиган ННТ ҳар чоракда Молия вазирлигига бюджет ташкилотлари учун белгиланган муддатларда ва тартибда давлат субсидиялари маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

12. Ажратилган давлат субсидияларининг мақсадли сарфланиши устидан назорат белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

### III. Давлат гранти ажратиш тартиби

13. Ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига, танлов асосида ННТга бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслар давлат гранти ҳисобланади.

14. ННТ фаолиятини давлат гранти ажратиш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

15. Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджети қабул қилингандан кейин 15 кун мобайнида давлат грантлари ҳажмларини белгилаш билан бир вақтда ННТ томонидан давлат грантлари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларни танлаб олишни амалга оширишга ваколатли бўлган мувофиқлаштирувчиларни (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи деб аталади) белгилайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари тизимини ривожлантиришда қатнашувчи ва миллий мақомга эга бўлган ННТ уюшмалари ва бирлашмалари (Ўзбекистон нодавлат, нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот электрон воситалари миллий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқалар) мувофиқлаштирувчилар бўлиши мумкин.

16. Давлат грантлари маблағлари ҳисобига Мувофиқлаштирувчилар томонидан белгиланадиган ёхуд ННТ томонидан тавсия қилинган лойиҳалар амалга оширилади.

17. Иккала ҳолатда ҳам Мувофиқлаштирувчи давлат грантлари учун ажратиладиган маблағлар ҳажмлари белгилангандан кейин бир ой муддатда танлов комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузади ва грант олиш учун ННТдан буюртманомалар қабул қилишни ташкил этади.

18. Давлат гранти олиш учун ННТ комиссияга давлат гранти олиш юзасидан буюртманомаларни Мувофиқлаштирувчилар лойиҳалари бўйича ҳам, ННТнинг ўзлари тавсия қиладиган лойиҳалар бўйича ҳам танлов шартларида белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этадилар.

19. Мувофиқлаштирувчи буюртманомаларни қабул қилишнинг белгиланган муддати ўтгандан кейин бир ҳафта муддатда танлов қатнашчилари рўйхатини амалга ошириш учун тавсия қилинаётган лойиҳанинг ННТнинг уставдаги фаолиятига, мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар олиш учун — Адлия вазирлигига ҳамда ННТга илгари ажратилган давлат маблағларидан фойдаланишда молия интизомига риоя қилиниши масаласи бўйича хулоса олиш учун — Молия вазирлигига жўнатади.

20. Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар бир ННТ бўйича материалларни кўриб чиқиб Мувофиқлаштирувчига уч ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда ўз хулосаларини жўнатадилар.

21. Комиссия тақдим этилган хулосаларни ҳисобга олган ҳолда ННТ мурожаат қилган кундан бошлаб бир ой мобайнида давлат гранти ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади, Мувофиқлаштирувчи ушбу қарор асосида ҳар бир ННТ — грант олувчи билан тегишли шартнома тузади.

22. Мувофиқлаштирувчилар ННТга ажратиладиган давлат грантлари мақсади ва ҳажмлари тўғрисида Адлия вазирлигига ва Молия вазирлигига ахборот берадилар.

23. ННТ — давлат грантлари олувчиларни молиялаштириш Мувофиқлаштирувчилар орқали Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

24. Молиялаштириш учун Мувофиқлаштирувчига ва ҳар бир ННТга ажратилган давлат грантларини ҳисобга олиш ва сарфлаш мақсадида хизмат кўрсатувчи банкларда бюджет ҳисоб рақамлари очилади.

25. Давлат гранти маблағларининг йил охиридаги фойдаланилмай қолган қолдиқлари бюджетга қайтарилади.

26. Бир молия йили мобайнида ННТга биттадан ортиқ грант бериш тақиқланади.

27. Давлат грантлари олган ННТ Мувофиқлаштирувчиларга грантлар ажратиш тўғрисидаги шартнома (битим) шартларида белгиланган муддатларда ва тартибда, Мувофиқлаштирувчилар эса ҳар чоракда бюджет ташкилотлари учун белгиланган муддатларда — ажратилган маблағлардан фойдаланилиши тўғрисида Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этадилар.

28. Ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат белгиланган тартибда Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Мувофиқлаштирувчи томонидан амалга оширилади.

#### IV. Давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш тартиби

29. Давлат органи ва ННТ ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун ишларни бажариш ёки тадбирларни амалга ошириш юзасидан давлат топшириғи ННТга бериладиган давлат ижтимоий буюртмаси ҳисобланади.

30. ННТ фаолиятини давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

31. ННТ томонидан бажариладиган йўналишлар бўйича давлат ижтимоий буюртмалари учун ажратиладиган маблағлар рўйхати ва ҳажми Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамаси улар билан ижтимоий буюртмалар бажарилиши керак бўлган шартномалар бўйича давлат органлари (кейинги ўринларда Буюртмачилар деб аталади) рўйхатини ёхуд ННТ — ижтимоий буюртма бажарувчилари (Вазирлар Маҳкамаси буюртмачи бўлган тақдирда) рўйхатини белгилайди.

32. Ижтимоий буюртма олиш учун (Вазирлар Маҳкамаси буюртмачи бўлмаган тақдирда) ННТ томонидан бажариладиган ижтимоий буюртмалар рўйхати тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда ННТ буюртмачиларга ижтимоий буюртмани бажариш юзасидан асосланган буюртманомалар тақдим этадилар.

33. Буюртмачи бир ҳафта муддатда буюртманомалар берган ННТ рўйхатини, амалга ошириш учун тавсия қилинаётган ижтимоий буюртманинг ННТнинг уставдаги фаолияти, мақсади ва вазифаларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар олиш учун — Адлия вазирлигига ҳамда ННТга илгари ажратилган давлат маблағларидан фойдаланишда молия интизомига риоя қилиниши масаласи бўйича хулоса олиш учун — Молия вазирлигига жўнатади.

34. Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар бир ННТ бўйича материалларни кўриб чиқиб Буюртмачига уч ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда ўз хулосаларини жўнатадилар.

35. Буюртмачилар Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги хулосаларини ҳисобга олган ҳолда давлат ижтимоий буюртмаси бажарувчиларини белгилайдилар ва улар билан аниқ ижтимоий буюртмани бажариш юзасидан тегишли шартномалар (битимлар) тузадилар.


36. Молия вазирлиги давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш тўғрисидаги қарорга мувофиқ ҳар бир ННТни тасдиқланган ҳажмлар доирасида, шартномада назарда тутилган муддатларда молиялаштиришни амалга оширади. Давлат ижтимоий буюртмаларини бажаришга ажратилган маблағларни ҳисобга киритиш ва сарфлаш ННТ — ижтимоий буюртма бажарувчиси учун махсус очилган бюджет ҳисоб рақамларидан амалга оширилади.

37. Давлат ижтимоий буюртмасини олган ННТ Буюртмачиларга тегишли шартнома шартларида белгиланган муддатларда ва тартибда, Буюртмачилар эса ҳар чоракда бюджет ташкилотлари учун белгиланган муддатларда — ажратилган маблағлардан фойдаланилиши тўғрисида Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этадилар. Давлат ижтимоий буюртмалари учун ажратилган маблағларнинг йил охиридаги фойдаланилмай қолган қолдиқлари бюджетга қайтарилади.


38. Ажратилган маблағларнинг тўғри ва мақсадли сарфланиши устидан назорат белгиланган тартибда Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Буюртмачилар томонидан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари  
фаолиятини давлат томонидан қўллаб-  
қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### ННТга давлат субсидиялари ажратиш схемаси



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.



Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА


### ННТга давлат гранти ажратиш схемаси



Мувофиқлаштирувчилар назоратни таъминлаш мақсадида ННТга ажратиладиган грантларнинг мақсади ва ҳажмлари тўғрисида Адлия вазирлигига ва Молия вазирлигига ахборот тақдим этадилар

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

### Давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ  
ҚАРОРИ**184** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 19 мартдаги ПФ-3864-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 апрель,  
87-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 30 апрелдаги 87-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 8-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банддаги «3 (уч) ой» сўзлари «6 (олти) ой» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Низомга 2-илованинг «а» бандидаги «уч ой муддат билан» сўзлари «олти ой муддат билан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга 2-илова I бўлими 1.11-бандининг биринчи хатбошидаги «уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатлари» сўзлари «уруш ва меҳнат фахрийлари учун пансионатлар ва санаторийлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**185** Автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори янада тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек автоматотранспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчиларнинг истакларини ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг автоматотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқи учун 2006 йил 1 июлгача берилган ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш учун қўшимча имконият бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

қўрсатиб ўтилган ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш 2007 йил 1 июлгача амалга оширилади;

ишончномалар гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштирилганлиги учун давлат божи ундирилмайди;

қайта расмийлаштириш учун ишончнома ишонч билдирувчи ёки ишончли вакил томонидан паспорт қўрсатилган ҳолда олдин расмийлаштирилган нотариал идорага тақдим этилади;

гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштирилмаган ишончномалар бўйича автоматотранспорт воситаларини бошқаришга йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги:

мазкур қарор талаблари автоматотранспорт воситалари эгалари ва аҳоли эътиборига белгиланган тартибда етказилишини, улар орасида шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали зарур тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласинлар;

ишончномалар қайта расмийлаштирилиши ва ҳисобга қўйилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар, шунингдек ишончномалар нотариуслар томонидан қайта расмийлаштирилишида ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида ҳисобга қўйилишида аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратилган ҳолда олдин берилган ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда ўз вақтида қайта расмийлаштиришга доир зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 4 май,  
91-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**186 Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномасига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
23 апрелда 305-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 3 майдан кучга киради)*

Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномасига Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 217-сонли қароридан келиб чиқадиган ўзгартириш киритиш ҳамда Адлия вазирлигининг 2006 йил 10 ноябрдаги 20-03-71/24-сонли тақдимномасини бажариш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Ўзистикболстат» давлат қўмитасининг 1996 йил 7 октябрдаги 14-сонли қарори билан тасдиқланган аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларни ҳисобга олиш йўриқномасига (1997 йил 5 февраль, рўйхат рақами 305) иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Давлат статистика  
қўмитаси раиси**

**Ф. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 апрель,  
1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**187** «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси ҳисобидан аванс бериш ва пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни» бекор қилиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
26 апрелда 1062-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 6 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 майдаги ПФ-3610-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 21-сон, 152-модда) Фармонига илованинг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 67 ва 14/28-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси ҳисобидан аванс бериш ва пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисидаги» қарори (2001 йил 15 август, рўйхат рақами 1062 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 15-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2007 йил 14 апрель,  
40-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 14 апрель,  
11/5-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ  
ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**188** Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва  
рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг  
Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
тўғрисидаги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш  
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
28 апрелда 1024-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 8 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–59-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 26 мартдаги 4-сонли қарорига (2001 йил 6 апрель, рўйхат рақами 1024) иловага\* биноан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Монополиядан чиқариш, рақобат  
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.**

**Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 16 март,  
3-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**189** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ҳамда тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
2 майда 1676-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 12 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 177-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сонли «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 168-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ–499-сонли «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 43-44-сон, 427-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари, хўжалик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоб шакли 1-иловага мувофиқ;

Микрофирма ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоб шакли 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоб шаклини тўлдириш ва тақдим этиш қоидалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 19 ва 2004-14-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ва тақдим этиш бўйича қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2004 йил 6 февраль, рўйхат рақами 1308 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 63-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 4 апрель,  
35-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 4 апрель,  
2007-30-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2007 йил 4 апрелдаги  
35, 2007-30-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

Корхона штампи  
(ташқилот)

Ҳисоб-китоб  
Қайта ҳисоб-китоб

+

СТИР   
Корхона номи

ХХТУТ

Юқори турувчи ташқилот  
Хизмат кўрсатувчи банк

МФО

Ҳисоб рақам

Манзил

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл  
жамғармасига \_\_\_\_\_ фаолият тури бўйича  
мажбурий ажратмалар**

**ҲИСОБ-КИТОБИ**

(микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари, хўжалик субъектлари учун)

20  йил

ой

(минг. сўм)

Кўрсаткичлар	Сатр код	Сумма
<b>Солиққа тортилувчи объект:</b>		
Республика йўл жамғармасига ажратмалар учун ҳисоб-китоб базаси	001	<input type="text"/>
Мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзли объект	002	<input type="text"/>
Республика йўл жамғармасига имтиёзлар ҳисобга олинган ҳолда ажратмалар учун ҳисоб-китоблар базаси:		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Кўрсаткичлар	Сатр код	Сумма
Йил бошидан (ҳисобот даврида) (001 сатр - 002 сатр)	010	<input type="text"/>
Ҳисобот ойда	011	<input type="text"/>
Мажбурий ажратмалар ставкаси (%)	020	<input type="text"/> , <input type="text"/>
<b>Ҳисобланган тўловлар:</b>		
Йил бошидан (ҳисобот даврида) (010 сатр x 020/100 сатр)	030	<input type="text"/>
Ҳисобот ойда (011 сатр x 020/100 сатр)	031	<input type="text"/>
Олдинги ҳисобот даврида ҳисобланган тўловлар суммаси.	040	<input type="text"/>

Корхона раҳбари:

(Имзо)

Фамилияси, Иси, Шарифи

Бош ҳисобчи:

(Имзо)

Фамилияси, Иси, Шарифи

М.Ў.

ДСИга тақдим қилинган  
сана

й

Солиқ идорасининг штамп  
ёки белгиси

Қабул қилинган сана

й

Ҳисоб-китобларга асосан солиқ инспектори томонидан шахсий ҳисоб карточкасига киритилган:

Йил бошидан

сўм

Ҳисобот ойда

сўм

Солиқ инспектори:

(имзо)

Фамилияси, Иси, Шарифи

Рақам ва ҳарфларни ёзиш НАМУНАСИ

А	Б	В	Г	Д	Е	Ж	З	И	Й	К	Л	М	Н	О	П	Р	С	Т	У	Ф	Х	Ц	Ч	Ш	Щ	Ъ	Ы	Ь	Э	Ю	Я
0	1	2	3	4	5	6	7	8	9																						

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2007 йил 4 апрелдаги  
35, 2007-30-сонли қарорига  
2-ИЛОВА

Корхона штампи  
(ташкilot)

Ҳисоб-китоб   
Қайта ҳисоб-китоб

СТИР <input type="text"/>	ХХТУТ <input type="text"/>
Корхона номи <input type="text"/>	<input type="text"/>
Юқори турувчи ташкilot <input type="text"/>	<input type="text"/>
Хизмат кўрсатувчи банк <input type="text"/>	<input type="text"/>
МФО <input type="text"/>	Ҳисоб рақам <input type="text"/>
Манзил <input type="text"/>	<input type="text"/>

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл  
жамғармасига \_\_\_\_\_ фаолият тури бўйича  
мажбурий ажратмалар  
**ҲИСОБ-КИТОБИ**  
(микрофирма ва кичик корхоналар учун)

20  йил

чорак

(минг. сўм)

Кўрсаткичлар	Сатр код	Сумма
<b>Солиққа тортилувчи объект:</b>		
Республика йўл жамғармасига ажратмалар учун ҳисоб-китоб базаси	001	<input type="text"/>
Мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзли объект	002	<input type="text"/>
Республика йўл жамғармасига имтиёзлар ҳисобга олинган ҳолда ажратмалар учун ҳисоб-китоблар базаси:		
Йил бошидан (ҳисобот даврида) (001 сатр - 002 сатр)	010	<input type="text"/>
Ҳисобот ойида	011	<input type="text"/>
1-ойда	012	<input type="text"/>
2-ойда	013	<input type="text"/>
3-ойда	014	<input type="text"/>
Мажбурий ажратмалар ставкаси (%)	020	<input type="text"/> , <input type="text"/>
<b>Ҳисобланган тўловлар:</b>		
Йил бошидан (ҳисобот даврида) (010 сатр x 020/100 сатр)	030	<input type="text"/>
Ҳисобот ойида (011 сатр x 020/100 сатр)	031	<input type="text"/>
1-ойда (012 сатр x 020/100 сатр)	032	<input type="text"/>
2-ойда (013 сатр x 020/100 сатр)	033	<input type="text"/>
3-ойда (014 сатр x 020/100 сатр)	034	<input type="text"/>
Олдинги ҳисобот даврида ҳисобланган тўловлар суммаси.	040	<input type="text"/>

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.



ри юкланган бошқа шахс томонидан имзоланади ва имзолар муҳр билан тасдиқланади.

3. Тўловчилар ўзлари рўйхатдан ўтган солиқ органларига мажбурий ажратмалар бўйича йил бошидан жами ўсиб боровчи ҳисоб-китобларни тақдим этадилар:

а) ушбу банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган тўловчилардан ташқари тўловчилар ҳисобот ойдан кейинги ҳар бир ойнинг 15 кунидан кечиктирмай ўрнатилган шакл асосида ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва шу ойнинг 20-кунигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма ) тегишли тўловларни амалга оширадилар;

б) микрофирма ва кичик корхоналар ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ўрнатилган шакл асосида ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва ҳар ойнинг 20-кунигача Жамғармага тегишли тўловларни амалга оширадилар.

## **2 §. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китоби**

4. 001-сатрда қуйидагилар акс этирилади:

а) корхона ва ташкилотлар (ушбу банднинг «б» — «з» кичик бандларида кўрсатилганлар бундан мустасно) маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишининг ҳажми, қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда — ҚҚС) ва акциз солиғи чегирилган ҳолда;

б) воситачилик (топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматлари кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг — ҚҚС чегирилган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси;

в) улгуржи савдо корхоналари Уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база — конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларининг ялпи даромадидан амалдаги ставкалар бўйича;

г) тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув шохобчалари), аукционлар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтириш (нусха олиш), ижарага бериш, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан даромад оладиган корхоналарнинг даромадлари;

д) асосий фаолияти мол-мулкларни лизингга бериш бўлган корхоналарнинг даромадлари (маржа);

е) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан, ҚҚС чегирилган ҳолда бажарилган ишлар ҳажми;

ж) коммунал хўжалик тизимидаги иссиқлик, сув таъминоти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг ҳудудлараро унитар газ таъминоти корхоналари томонидан тайёр маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажми (тегишли иссиқлик таъминоти корхоналари — иссиқлик энергиясини, сув таъминоти корхоналари — сувни, газ таъминоти корхоналари — табиий газни сотиб олиш қийматини чегирилган ҳолда);

з) асосий фаолияти юк ва йўловчиларни тегишли ҳақ эвазига ташиш билан боғлиқ бўлган автотранспорт корхоналари томонидан ҚҚС чегирилган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажми. Ушбу корхоналар иш ҳажмларига, шунингдек бошқа фаолият турлари бўйича бажарилган ишлар, хизматлар ҳажми ҳам қўшилади.

5. 002-сатрда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган объект суммаси акс эттирилади.

6. 010-сатрда йил бошидан имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда мажбурий ажратмани ҳисоблаш объекти акс эттирилади (ҳисобот даври учун) .

7. 011-сатрда ҳисобот оғи(чораги)даги имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда мажбурий ажратмани ҳисоблаш объекти акс эттирилади.

8. 012-сатрда ҳисобот чорагининг биринчи оғидаги имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда мажбурий ажратмани ҳисоблаш объекти акс эттирилади.

9. 013-сатрда ҳисобот чорагининг иккинчи оғидаги имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда мажбурий ажратмани ҳисоблаш объекти акс эттирилади.

10. 014-сатрда ҳисобот чорагининг учинчи оғидаги имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда мажбурий ажратмани ҳисоблаш объекти акс эттирилади.

11. 020-сатрда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар учун ўрнатилган ҳисоблаш ставкаси акс эттирилади.

12. 030-сатрда Республика йўл жамғармасига йил бошидан(ҳисобот даврида) ҳисобланган мажбурий ажратмалар акс эттирилади.

13. 031-сатрда Республика йўл жамғармасига ҳисобот оғи(чораги)да ҳисобланган ажратмалар акс эттирилади.

14. 032-сатрда Республика йўл жамғармасига чоракнинг биринчи оғида ҳисобланган мажбурий ажратмалар акс эттирилади.

15. 033-сатрда Республика йўл жамғармасига чоракнинг иккинчи оғида ҳисобланган мажбурий ажратмалар акс эттирилади.

16. 034-сатрда Республика йўл жамғармасига чоракнинг учинчи оғида ҳисобланган мажбурий ажратмалар акс эттирилади.

17. 040-сатрда Республика йўл жамғармасига аввалги ҳисобот даврида тўлов учун ҳисобланган мажбурий ажратмалар миқдори акс эттирилади.

**Изоҳ:** 8—10, 14—16-бандлар микрофирма ва кичик корхоналар учун ҳисобкитоб шакллари тўлдиришда фойдаланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

## 190 Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
2 майда 1677-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 12 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 5-сон, 57-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 9 апрель,  
23-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 9 апрель,  
50-сон

**Давлат мулки  
қўмитаси раиси**

**Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 9 апрель,  
01/ЎзРТСБ-18/11-сон

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия азорлиги,  
Давлат мулки қўмитасининг 2007 йил  
9 апрелдаги 23, 50, 01/УзРТСБ-18/11-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) мувофиқ цементни сотиш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом цементни ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва ундан фойдаланувчи — Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхона ва ташкилотларга татбиқ этилади.
2. Ушбу Низомга мувофиқ сотиб олинган цемент фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши мумкин.
3. Цементни сотиш товар-хом ашё биржаларида (кейинги ўринларда Биржа деб юритилади) электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади.

### II. Асосий тушунчалар

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:
  - маҳсулот** — ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг тасдиқланган балансига мувофиқ биржа савдоларида истеъмолчиларга сотиладиган цемент;
  - биржа савдолари электрон тизими** — биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узок масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими;
  - ҳисоб китоб-клиринг палатаси** (кейинги ўринларда ХККП деб юритилади) — биржа битишувлари бўйича клиринг, ҳисоб-китоблар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи Биржанинг тузилмавий бўлими;
  - сотувчи** — маҳсулот ишлаб чиқарувчи, уни биржа савдоларига қўювчи ва сотувчи Ўзбекистон Республикаси корхоналари;
  - харидор** — ишни бажариш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун цементдан фойдаланувчи, шунингдек улгуржи ва/ёки чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар;
  - закалат** — Биржада амалга ошириладиган битишувлар бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ХККПнинг иккиламчи депозит ҳисобварағига киритилладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи;
  - битишув баённомаси** — харидор ва сотувчига биржа савдоларини ўтказиш яқунлари бўйича берилладиган, сотувчи, харидор ва биржа брокери томонидан имзо-

ланган, тарафларни белгиланган муддатда талаб ва таклиф нархи бўйича биржа савдолари натижаларига кўра харид қилинган ҳажмда маҳсулотнинг олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжат;

**нархлар котировкаси** — биржа савдоларининг бир куни учун Биржада ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган маҳсулотга ўртача нарх;

**тўланган битишувлар реестри** — тузилган олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ қопланилишини таъминлайдиган миқдордаги маблағларнинг харидорнинг ХККПдаги шахсий ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

### III. Цемент ҳажмларини шакллантириш ва уни сотиш тартиби

5. Цементни сотиш ҳажмлари ҳар йили тасдиқланадиган цемент ишлаб чиқариш ва фойдаланиш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

6. Сотувчилар навбатдаги йил учун тасдиқланган цемент ишлаб чиқариш ва фойдаланиш балансидан келиб чиқиб, ҳар чоракда, кейинги чорак бошланишидан ўн кун олдин Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган, декадалар бўйича тақсимланган, биржа савдолари орқали ҳар ойда сотилиш учун мўлжалланган маҳсулот ҳажми кўрсатилган жадвалларни Биржага тақдим этади.

7. Сотувчилар йилига бир марта Биржа билан биргаликдаги фаолият тўғрисида сотувчиларнинг биржа савдоларида иштирок этиш шартлари, шартнома тузган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланган шартномалар тузади.

Савдолар мунтазам равишда иш кунлари ўтказиб борилади.

8. Биржа савдолари Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Биржа савдоларининг ўтказилиши, биржа сессияларининг давомийлиги, сотувга қўйиладиган маҳсулотлар ҳажми тўғрисидаги ахборот Биржа томонидан харидорларга мажбурий тартибда брокерлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа ахборот каналлари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали етказилади.

Ахборотга маҳсулотни жойлашган жойи, уни ишлаб чиқарган корхона, шунингдек бошланғич нархи тўғрисидаги маълумотлар киритилиши шарт.

10. Биржа барча савдо иштирокчиларига, уларнинг ҳудудий жойлашишидан қатъи назар, электрон савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконини таъминлаб бериши шарт.

11. Савдоларни ўтказиш, қўйилган закат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича иштирокчиларни киритиш ва четлатиш, электрон биржа савдолари ёлибларини аниқлаш ва битишувларни рўйхатдан ўтказиш электрон биржа савдолари тизими билан амалга оширилади.

12. Битишувни рўйхатдан ўтказиш куни Биржа брокерга битишув баённомаси ва намунавий олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун тақдим этади.

13. Олди-сотди шартномаси битишув баённомасида назарда тутилган шартларда у олинган кунда расмийлаштирилади. Битишув баённомаси шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

14. Савдода сотилмай қолган маҳсулот ҳажми кейинги савдоларга кўчирилади. Бунда, сотувчилар маҳсулотни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича фақат биржа

савдоларига қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдолари натижаларида вужудга келган ўртача нархлар бўйича сотиш ҳуқуқига эга.

15. Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақи сотувчи ва харидорлар учун Биржа томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Биржа хизматлари тарифларига мувофиқ ўрнатилади.

16. Харидор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, сотувчи маҳсулотни қайта савдога қўяди.

17. Маҳсулотни тузилган олди-сотди шартномалар бўйича сотиш олдиндан тўловни тўлиқ тўлаш ёки етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳар бир партияси учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шарти билан амалга оширилади.

#### **IV. Цемент нархларини аниқлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизми**

18. Маҳсулотни биржа савдоларига қўйишнинг бошланғич нархи сотувчи томонидан декларацияланадиган нарх (монополист корхоналар учун) ва улгуржи сотиш нархи (бошқа корхоналар учун) даражасида белгиланади.

19. Биржа савдоларида тузилган битишувлар бажарилишининг молиявий кафолатини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар Биржа ХККП орқали амалга оширилади.

20. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида, ХККП Биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ва биржа битишувлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очади. Иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи Биржага хизмат кўрсатувчи банкда иккиламчи депозит ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризага мувофиқ очилади.

21. Сотувчи ва харидорларнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги маблағлари ҳаракатини назорат қилиш учун ХККП ҳар бир сотувчи ва харидорга фойдаланувчининг шахсий рақамига (бундан кейин ФШР деб юритилади) мос келувчи алоҳида шахсий ҳисобварақ очади.

Сотувчилар ва харидорларнинг маблағлари ушбу шахсий ҳисобварақларда ХККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча ҳисобварағи доирасида ҳисобга олинади.

22. ХККП биржа савдолари иштирокчиларини уларга хизмат кўрсатиш шартлари, уларнинг маблағлари ҳолати тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиб туриши шарт.

ХККП томонидан мижознинг шахсий ҳисобварағи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этилиши ман этилади.

23. Биржа мижозларнинг сўровларига кўра уларни биржа клиринги натижалари, улар маблағларининг ҳолати ва жорий кунида белгиланган савдолар лимитлари тўғрисида хабардор қилиб туриши шарт.

24. Сотувчилар ва харидорлар Биржага хизмат қилувчи банкдаги ХККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига биржа савдоларига қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 2 фоизигача бўлган миқдоридаги закатлатни депозитга қўяди.

25. Харидорлар Биржада депонентга қўйилган закатлат ҳисобга олинган ҳолда тўлаш мўлжалланаётган маблағ ҳажмида битишувлар тузишга ҳақлидир.

26. Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги сотувчилар ва харидорларнинг маблағларидан:

битишувлар бўйича мажбуриятлар бажарилиши ва улар ўртасида тузилган шартномалар билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун;

битишув амалга оширилмаган ёки бекор қилинган тақдирда, ҲККПдаги ҳисобварақнинг эгаси — мижознинг банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш учун;

депонентга қўйилган маблағлар ҳисобидан Биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

27. Биржа битишуви рўйхатга олинганидан кейин беш банк иш кунида харидор тузилган олди-сотди шартномаси бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қўшимча маблағларни ўтказиши шарт. Бунда, маблағни ўтказиш учун тўлов топшириқномасининг «тўлов мақсади» устунида харидорнинг ФШРи мажбурий тартибда кўрсатилиши шарт.

Маҳсулот темир йўл транспорти орқали жўнатиладиганда, биржа битишуви рўйхатдан ўтказилгандан кейин беш банк куни мобайнида харидор темир йўл тарифлари қийматини тўлиқ қоплаш учун сотувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига маблағ ўтказиши шарт.

28. ҲККП харидордан маблағ келиб тушган вақтдан бошлаб бир банк иш кунида сотувчига тўланган битишувлар реестрини тақдим этиши шарт.

29. Агар харидор ушбу Низомнинг 27-бандида белгиланган муддатда биржа шартномасига мувофиқ маблағларни тўлиқ ҳажмда ўтказилишини таъминламаса, ҲККП кўрсатилган муддат ўтганидан кейин сотувчи ҳамда Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида дарҳол маълум қилади ва Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун сотувчининг ҳисобварағига жарима чораси сифатида зақалат миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни киритади.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

30. Сотувчи томонидан маҳсулотни харидорга олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда юклаб жўнатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаса, ҲККП шартномада белгиланган муддат ўтганидан кейин Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда маҳсулотни етказиб бериш учун белгиланган қийматдан 2 фоиз миқдордаги маблағни жарима чораси сифатида харидор ҳисобига киритади ва харидор, сотувчи ва Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида хабар қилади.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

31. ҲККП томонидан тақдим этилган тўланган битишувлар реестри сотувчининг маҳсулотни харидорга юклаб жўнатишга асос бўлади.

Маҳсулот сотувчи томонидан харидор ўзининг мажбуриятларини бажарганлиги фактини ҲККП томонидан тасдиқланмасдан жўнатиладиган тақдирда, Биржа рўйхатдан ўтказилган биржа шартномаси бўйича харидор томонидан мажбуриятлар виждонсизларча бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

32. Маҳсулот жўнатиладиганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактини харидор ва сотувчи (ёки уларнинг ваколатли вакиллари) имзолари билан тасдиқланган юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

Маҳсулот темир йўл транспорти орқали жўнатиладиганда маҳсулот жўнатиладиганлиги фактини темир йўл юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

Юк хати нусхасининг тақдим этилиши ХҚКП томонидан бир банк иш кунда харидорнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағларни сотувчининг унга хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиш ва битишувни ёпиш учун асос бўлади.

33. Маҳсулотни биржа савдолари ғолибларига юклаб жўнатиш олди-сотди шартномаларида назарда тутилган муддатларда сотувчининг нарядлари бўйича амалга оширилади.

#### **V. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларнинг ҳал этилиши**

34. Харидор билан сотувчи ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

35. Биржа аъзолари, биржа савдолари иштирокчилари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги биржа савдо қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича юзага келадиган низолар Биржа арбитраж комиссияси ёки суд орқали ҳал қилинади. Арбитраж комиссияси томонидан низоларни кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилиши ман этилади.

36. Харидорлар ва сотувчилар ўртасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **VI. Ахборот таъминоти ва мазкур Низом бажарилиши юзасидан мониторинг**

37. Биржа котировка ҳайъати ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича Биржанинг биржада сотилган маҳсулот баҳоларининг биржа котировкаларини аниқлайди ва уларни ҳар ҳафта оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи саҳифаларида эълон қилиб боради.

38. Цемент корхоналари ва Биржа ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кундан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига маҳсулотнинг биржа савдоларига чиқариш, сотиш ва ушбу Низомга мувофиқ сотилган маҳсулотнинг ҳақиқатда етказиб берилган ҳажмлари тўғрисида маълумотни тақдим этади.

#### **VII. Якуний қоида**

39. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» Компанияси ва «ЎзРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

**Марказий банк**  
**Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*Тошкент ш.,  
2007 йил 4 апрель*

*Монополиядан чиқариш, рақобат  
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
Давлат қўмитаси раиси в.б.*

*Б. УЛАШОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 5 апрель*

*«Ўзқурилишматериаллари»  
компанияси раиси*

*Э. АКРАМОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 6 апрель*

*«Ўзбекистон Республикаси мол хом  
ашё биржаси» ОАЖ бошқарув раиси*

*Т. ТЎХТАБОЕВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 7 апрель*

+

-

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2007 йил 21 апрелдан 4 майгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни ҳисобга олиш йўриқномасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 1-сонли қарори*

*2007 йил 23 апрелда 305-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 3 майдан кучга киради).*

2. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси ҳисобидан аванс бериш ва пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 14 апрелдаги 40, 11/5-сонли қарори.*

*2007 йил 26 апрелда 1062-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 6 майдан кучга киради).*

3. «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 16 мартдаги 3-сонли қарори.*

*2007 йил 28 апрелда 1024-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 майдан кучга киради).*

4. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ҳамда тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 4 апрелдаги 35, 2007-30-сонли қарори.*

*2007 йил 2 майда 1676-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 12 майдан кучга киради).*

5. «Биржа савдоларида цемент сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 23, 50, 01/УзРТСБ-18/11-сонли қарори.*

*2007 йил 2 майда 1677-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 12 майдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ва тақдим этиш бўйича қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1308, 06.02.2004 й).*

*Адлия вазирининг 2007 йил 2 майдаги 78-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 9 декабрдаги 05/4332-сонли хати.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган норматив ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**

-

+